

علم اور گناہیں برابر مسلمان اوچون فرسودور

Ойлик



2-son Sharvot

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал

بِسْمِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

“Осмонлардагию Ердаги
барча нарсалар Аллоҳни
поклаб ёд этди.

У зот азиз ва ҳикматли
Зотдир.”

Ҳашр сураси, 1-оят.

ҚАЛБ ЎҒРИЛАРИДАН
ҲИМОЯЛАНИНГ!

НИМАЛАР
ҲАРОМ ҚИЛИНДИ?

КОМИЛ
ИЙМОН ЭГАЛАРИ

ЎРНАК ОЛИНГ,
ИБРАТЛАНИНГ!

ОТА-ОНА НАФАҚАСИ
ЎҒИЛГА ВОЖИБ

АБДУЛЛОҲ
ИБН ҲУЗОФА

АВРАТ НИМА?

ҒАЗНАВИЙЛАР
САЛТАНАТИ

ХАЛҚИМИЗ
САВОДСИЗ БЎЛГАНМИ?

ХИТОЙДА ИСЛОМ



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**“Албатта, осмонлару ернинг яратилишида,
кечаю кундузнинг алмашиб туришида, одамларга
манфаатли нарсалари ила денгизда юриб турган
кемада, Аллоҳнинг осмондан сув тушириб, у
билан ўлган ерни тирилтириши ва унда турли
жондорларни таратишида, шамолларни
йўналтиришида, осмону ер орасидаги итоатгўй
булутда ақл юритувчи қавмлар учун белгилар бор.”**

Бақара сураси, 164-оят



“ҲИЛОЛ” ОЙЛИК ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИ. 2-СОН.

**Ҳижрий 1432 йил, Шаввол
Милодий 2011 йил, Сентябрь**



Муассис: “Ҳилол” нашриёти МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Дизайнер расом: Бехзод Вафоев

Таҳрир ҳайъати:

- Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф (раис)
- Тоҳир Малик. Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
- Эркин Малик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
- Абдулҳамид Турсун. Ўзбекистон мусулмонлар диний идораси Фатво бўлими мудир.
- Муҳаммад Айюб Усмон. Тадқиқотчи.
- Муҳаммад Зуфар. Тадқиқотчи.
- Озод Мунаввар.
- Исмоил Муҳаммад Содик
- Анвар Аҳмад

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
(email: admin@islom.uz)**

**Жўрналда фикрлар ҳилма-ҳиллиги ва фарқлиги таъмоиллига амал қилинади.
Мақоланинг жўрналда берилиши ундаги фикрларга таҳририятнинг қўшилганини
англамайди.**



www.islom.uz



www.islom.uz



www.islom.uz



www.islom.uz



www.islom.uz

ҚАЛБ ЎҒРИЛАРИДАН ҲИМОЯЛАНИНГ!

Янги милодий асрга келиб жаҳон сахнасида карашлар, ўлчовлар, муносабатлар ўзгариб кетди. Ҳатто «глобалчилик, террор, тамаддунлар ихтилофи» деган янги атамалар пайдо бўлди. Янги аср кишисининг, айниқса ёшларнинг онги ва қалбини забт этиш учун жиддий кураш бошланди. Бу йўлда бутун дунёни қандайдир «фобия»лар билан кўрkitиш ҳар қачонгидан кучайди. Ана шу ихтилофлар тўфонида Ислом ва мусулмонларга «лой сочиш» ҳам авжга мингани кузатилмоқда.

Мана шундай таҳликали, безовта замонда ёшлар ўзларини қандай тутишлари, кимга ва нимага суянишлари, кимга эргашишлари керак? Энг аввало, улардан ақидада мустаҳкам бўлиш талаб этилади. Машхур шоиримиз Сўфи Оллоҳёр «Ақида билмаган шайтона элдур, Агар минг йил амал деб қилса, елдур», деб бежизга ёзмаган. Одамлар мусулмонлик даъво қилишсаю, мўминмиз, деб кўкракка уришсаю, аммо ақидалари, имонлари заиф бўлса осон алданишади. Ақида пойдевори бўш заминга, қийшиқ қилиб қурилса, ғанимлар қалбларини осонгина забт этади. Унча жон қойитмай ҳидоят йўлидан, ҳақ йўлдан адаштириб юборади.

Исломни китоб ўқиш билангина танимоқчи бўлганлар адашишга маҳкумдир. Бундайлар силсилага мансуб бир устоз кўрмай, ўзларича бир неча оят ё ҳадисни ёдлаб олишади-да, «улуғ олим даражасига кўтарилдик», деб ўйлашади. Буларнинг ҳам ҳақ йўлдан адашиб, залолатга кириб кетишлари (наузанбиллаҳ!) осон бўлиб қолади.

Аллакимлар найрангига учиб, улар ақидасини қабул қилган, ҳақ нима, ботил нима – ажратиб олганидан кейин изтироб ва надоматларда қийналган ёшлар борлиги аён. Дунё ҳаётидаги тансиқ йилларини хатолар гирдобиди фарқ қилиб юбормасликлари учун ёшларга қарата Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Динингизни кимдан ўрганаётганингизга қаранг», деган кўрсатмаларини эслатиб қўйиш жоиз. Расулulloҳдан (алайҳиссалом) буён давом этиб келаётган олимлар силсиласини устоз қилиб олганлар асло адашишмайди. Бу Аҳли суннат вал жамоа тузиб чиққан ва асраб-авайлаб келаётган ақида, этиқод ва шарият йўлидир.

Ҳазрати Абу Ҳанифадан: «Кимлар Аҳли суннатга мансуб?» деб сўраганида, «Икки шайхни тан олган, икки куёвни тан олган ва маҳсисига масх тортган Аҳли суннатдандир», деган эканлар. Билишса, икки шайх ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб, икки куёв эса Усмон ибн Аффон ва Али ибн Абу Толиб эканлар. Бундан келиб чиқадики, ким динида мўътадил ўрта йўлни олиб бораман деса, Исломнинг тўғри йўлдаги тўрт халифасини тан олиб, улар ишини ва йўлини давом эттириши ҳамда шарият ҳукмларини оғишмай бажариши лозим экан.

Турли тафриқаларга бўлиниш, ҳақ йўлда адашишларнинг яна бир йўли суннатни тарк этиш, мазҳабсизлик ҳамда мутаассиблик балосидир. Ислом қонунларини бузиб қўйишдан такво қилган ўтмишдаги



буюк алломаларнинг тўксон тўккиз фоизи мазҳабга содик бўлган. Ҳатто ихтилоф авж олган ўн тўртинчи асрда етишиб чиққан Ибн Таймийя, Ибн Қайюм каби ўзгача фикрлилар ҳам чаласавод мусулмонларга фақиҳлар ёрдамисиз ижтиҳодга қўл уришни тавсия этишмаган.

Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга шундай хитоб қилади: «Динларини бўлиб, фирқа-фирқа қилиб олган кимсалардан (бўлманг)! Ҳар бир ҳизб-фирқа фаёат ўз олдидаридаги нарса билан хурсанддирлар» (Рум, 32).

Пайғамбаримиз Муҳаммаддан (алайҳиссалом) ривоят қилинган ҳадиси шарифда бундай дейилган: «Мана бу уммат яқинда етмиш уч фирқага ажралади. Етмиш икkitаси дўзахда ва биттаси жаннатдадир». «Эй Расулulloҳ, шу биттаси ким?» деб сўрашди. «Аҳли суннат вал жамоа», дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Ҳазрати Пайғамбаримизнинг умматлари етмиш уч фирқага бўлинди. Етмиш икки фирқа залолатда қолиб ҳалок бўлди. Фақат тўрт фикхий мазҳабни (ханафий, шофий, моликий, ханбалӣ) бирлаштирган «Аҳли суннат вал жамоа» мазҳаби саломатда қолиб, нажот топди. Ҳозир ер юзидаги жами мусулмонларнинг салкам тўксон уч фоизи ана шу ҳақ йўлдаги мазҳабда турибди. Аҳли суннат жамоатидан заррача айрилган киши исломиятдан узоклашган бўлади.

Демак, бугунги ёшларимиз дин душманларининг ҳийла-найрангларига учмай, қалбларига эғалик қилиш илинжида турли тузоқ-қопқонлар кўяётган муҳолифларнинг фитнасига илинмай дейишса, Қуръони карим ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларини маҳкам тутишади. Янги замоннинг маккор ва муғомбир қалб ўғрилари домига тушмаслик учун Аҳли суннат вал жамоа мазҳабидан чекинишмайди. Чунки дунё мусулмонларининг салкам тўксон уч фоизи адашиши, залолатга кетиши, ҳидоят йўлидан чекиниши асло мумкин эмас!

НИМАЛАР ҲАРОМ ҚИЛИНДИ?

Қуръони каримнинг Моида сурасида бундай дейилган: **“Сизларга ўлимтик, қон, чўчка гўшти, Аллоҳдан бошқанинг номи ила сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузиб ўлдирилган, йиртқич еган ҳайвонлар ҳаром қилинди. Фақат (ўлмай туриб) сўйиб олсангиз (ҳалол). Ва бутларга атаб сўйилган ҳайвонлар ҳам, чўплар ила фол очишингиз ҳам ҳаром қилинди. Бундай қилишингиз фосиқликдир... Ким гуноҳга мойил бўлмаган ҳолида очликда музтар бўлса, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир”** (3-оят).

Аллоҳ таоло бандаларига кўплаб неъматларни тановул қилишни ҳалол қилиб қўйган, барчасининг асли ҳалол. Модомики, ҳаром нарсалар аралашмаса, истеъмол қилинаверади. Инсон шахси ёки амалининг унга таъсири йўқ. Мисол учун, нонни олайлик. Унинг бўғдойини ким эккан, ким ўрган, қандай янчилган ёки қандай қилиб нонга айлантирилган – буларнинг аҳамияти йўқ, ҳаммаси истеъмол қилинаверади. Аммо, гўшт маҳсулотлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Чунки гўшт тирик ҳайвондан олинади. Тирик жониворни гўштга айлантириш жараёни ва ундаги ният ҳамда эътиқод унинг ҳалол ёки ҳаромга айланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, бу жараёнга, яъни, тирик ҳайвонни гўштга айлантириш жараёнига шариатда алоҳида эътибор берилади. Бир қанча шартлар қўйилади. Ўша шартлар вужудга келгандагина ўша ҳайвон гўшти ҳалол ҳисобланиб, истеъмолга рухсат берилади.

Бу шартларнинг бошида ҳайвоннинг жонини чиқариш пайтида унга жон берган Аллоҳ номини зикр қилиш туради. Бу иш қилинмаса, катта маънавий жиноят содир бўлган бўлади, шу сабабли унинг гўшти ҳаромга айланади. Ўшбу оятда гўшти ҳаромга айланиб қоладиган ҳайвонлардан бир неча тоифаси зикр этилган. Ўлимтик (ўзи ўлиб қолган ҳайвон), ҳайвон сўйилганда ундан оқадиган қон ва чўчка гўшти шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаром қилингани ҳикматлари, тиббий сирлари ҳақида «Бақара» сураси тафсирида батафсил сўз юритилган.

«Аллоҳдан бошқанинг номи ила сўйилган» ҳайвон гўштининг ҳам ҳаром бўлиши, олдин айтганимиздек, унинг иймон тақозосига тўғри келмагандандир, уни яратган ва унга жон берган Зот номини қўйиб, бошқанинг номи ила сўйилгандандир.

«Бўғилиб ўлган» ҳайвон бўғилиш оқибатида ўлган бўлса, гўшти ҳаромдир. Унга ҳам Аллоҳнинг номи айтилмаган, ҳам қони ичига тарқаб, гўшт зарарли ҳолга келган бўлади.

«Уриб ўлдирилган» ҳайвонда ҳам аввалги ҳолдаги ҳикмат туфайли ҳаромлик ҳукми бор. Бирор ҳайвонни тош, ёғоч ёки шунга ўхшаш нарсалар билан уриб ўлдирилган бўлса, унинг гўшти ҳаромга айланади.

«Йиқилиб ўлган»га келсак, тоғданми, баланд жойданми йиқилиб ўлган ҳайвонларнинг гўшти ҳам ҳаром саналади.

«Сузиб ўлдирилган» – икки ҳайвон бир-бири билан сузишсаю, бири ўлиб қолса, унинг гўшти ҳам ҳаромдир.

«Йиртқич еган ҳайвон ҳаром қилинди».

Яъни, бир йиртқич ҳайвон мазкур гўшти ҳалол ҳайвонга хужум қилиб еса, ўлдирса, ундан ортиб қолган гўшт ҳаром ҳисобланади.

«Магар (ўлмай туриб) сўйиб олсангиз (ҳалол)».



Мазкур ҳолатларга дучор бўлган ҳайвонлар ўлмай туриб сўйиб юборилса, гўшти ҳалол бўлади.

«Бутларга атаб сўйилган ҳайвонлар ҳам».

Жоҳилий арабларнинг турли бутлари бўлиб, уларга атаб жонлик сўйишар ва қонини ўша бутларга суртишар эди. Бундай ҳайвонларнинг гўшти, гарчи Аллоҳнинг номини айтиб сўйилган бўлса ҳам, бутларга аталгани учун ҳаромдир.

Оят давомида катта маънавий ҳаром иш ҳам зикр этилган: «чўплар ила фол очишингиз ҳам ҳаром қилинди».

Жоҳилият даврида бутхоналарда хизмат қилувчи коҳинлар ҳузурида бир махсус идишда учта ёки еттига чўп турар эди. Уларга турли иборалар, жумладан, «Роббим буюрди» ёки «Роббим қайтарди» деган иборалар ёзилган бўларди. Бирор ишни қилиш ёки қилмасликда иккиланган одам коҳинга у-бу нарсаларни бериб, фол очишни сўрарди. Шунда коҳин идишдаги чўпларни аралаштириб, фол очирувчига тутар, у идишдаги чўплардан бирини тортганда «Роббим буюрди» деб ёзилган чўп чиқса, ишни қилишга, «Роббим қайтарди» деб ёзилгани чиқса, ишни қилмасликка амр этар эди. Бошқа чўп чиқса, яна пул олиб, қайтадан фол очарди. Худди шу услуб киморнинг бир турида ҳам қўлланылар эди. Буларнинг ҳаммаси ҳаром қилинди.

«Бундай қилишингиз фосиқликдир». Аллоҳ ҳаром қилган ишларни қилишингиз фосиқлик, яъни, дин амридан чиқишдир.

Юқоридаги ҳукмларда айрим ҳолатлардаги гўшtlарнинг ҳаром экани таъкидланган эди. Охирги жумлада эса, истисно тариқасида музтарлик (заруратлик) ҳолатида ҳукм нима бўлиши ўргатилмоқда. Яъни, айтайлик, инсон очликдан музтар бўлди – қийин ҳолга тушиб қолди, егани овқати йўқ, фақат ҳаром қилинган гўшtlар бор, холос. Булар ҳаром, деб улардан истеъмол қилмаса, ҳалок бўлади. Нима қилиши керак? Мана шундай ҳолда, гуноҳга мойил бўлмаган ҳолда, яъни, ўзини ҳалокатдан сақлаб қоладиган микдорда ўша ҳаром нарсадан истеъмол қилса, бўлади. Ночорликдан қилинган бу иш учун Аллоҳ уни маломат қилмайди, жазога тортмайди. Зотан, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир.

(“Тафсири Ҳилол”, 2-жилд, 9-12-бетлар)





КОМИЛ ИЙМОН ЭҒАЛАРИ



Аббос ибн Абдулмуттолибдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: **«Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳни – Робб, Исломи – дин, Мухаммадни – Расул, деб рози бўлса, иймон таъмини тотган бўлади», дедилар».** (Имом Муслим ва Термизий ривояти). Абу Довуд ривоятида эса: **«Ким Аллоҳ учун муҳаббат қилса, Аллоҳ учун ёмон кўрса, Аллоҳ учун берса, Аллоҳ учун ман қилса, батаҳқиқ, иймонни мукаммал қилган бўлади»**, деб келтирилган.

Ушбу ҳадисда улкан маъно баён этилмоқда. Унда иймон таъмини тотиш, иймон мукамаллигига эришиш қайси йўл билан амалга ошириши мумкинлиги баён қилинмоқда. Бунинг учун эса, қуйидагилар амалга ошириши керак:

«Аллоҳни – Робб» деб рози бўлиш.

Робб «тарбиячи» маъносини англатади. Урфда эса кўп маъноларни, жумладан «ризқ берувчи», «тадбирини қилувчи», «яратувчи», «эга» маъноларини ифода қилади. Робб Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан биридир. Аллоҳ таоло бутун оламларнинг яратувчиси, уларга ризқ берувчи, тадбирини қилувчи, эгалик қилувчи ва тарбияловчиси бўлганидан шундай аталган. Аллоҳни Робб, деб рози бўлиш эса, Аллоҳ менинг яратувчим, тарбиякунам, эгам, ризқ берувчим, тадбиримни қилувчим, деб чин дилдан рози бўлишни англатади. Рози бўлиш оғиздаги қуруқ гап эмас ёки кўнгилдаги гумон ҳам эмас. Балки, тўлиқ ишонч ва қаноатдир. Ким шу ишонч билан, шу қаноат билан яшаса, иймон таъмини тотиш йўлида қатта қадам босган бўлади. Кейинги қадамлар эса:

2. Исломи – дин деб рози бўлиш ва

3. Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламни – Расул деб рози бўлиш билан бўлади.

«Дин» деганда ҳозирги бузуқ тушунча кўзда тутилмайди. Ҳозирда дин деганда, масжид, намоз, қабристон, ўлганларга маросим қилиш ва шунга ўхшаш нарсалар тушуниб қолинган. Аслида эса, дин Аллоҳ томонидан юборилган, инсоннинг икки дунё саодатига эришиши учун зарур бўлган кўрсатмалар тўпламидир. Демак, иймон таъмини тотиш учун инсон Исломига тўлиқ амал қилиб яшашим керак, деган ишонч ва қаноатга эга бўлиши керак.

Бунинг учун эса, Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламни Расул яъни, Аллоҳнинг элчиси, Пайғамбари деб рози бўлиш керак. Исломи таълимотларини, ҳукмларини Аллоҳдан қабул қилиб, бандаларга етказган, ҳаётга татбиқ қилиб кўрсатган зот Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламдирлар. У зотни Расул, деб рози бўлинмагунча иймон таъмини тотиб бўлмайди. Аллоҳни Робб, Исломи дин, Мухаммад соллаллоху алайҳи

васалламни Расул деб, рози бўлган одамгина иймон таъмини тотиши мумкин. Шу мақсад йўлида машаққатларни кўтаришга рози бўлган одамгина иймон таъмини тотиб кўриши мумкин. Аммо чин қалбдан розилик-ишонч ва қаноат бўлмаса, иймон таъми ҳам бўлмайди.

Иймоннинг мукаммал бўлиши учун амалга оширилиши лозим бўлган ва имом Абу Довуд ривоятида келган ишлар қуйидагилардан иборат:

1. Аллоҳ учун муҳаббат қилиш. Кимга ёки нимага муҳаббат қиладиган бўлса, Аллоҳ учун муҳаббат қилган кишигина иймонининг мукаммал бўлишидан умид қилса бўлади. Бировга муҳаббат қўядиган бўлса, ўша одам Аллоҳнинг амрида юргани учун, Аллоҳга иймони борлиги учун, Аллоҳга ибодат қилиб яшаётгани учун, Аллоҳ учун муҳаббат қилади. Бунга бошқа ғараз, мақсад аралашиб қолса, муҳаббат Аллоҳ учун бўлмай қолади. Шунингдек, бирор ишни, гуруҳни, жамоатни ва шунга ўхшаш нарсаларни яхши кўриш ҳам Аллоҳ учун бўлгандагина муҳаббат эгаси ўз иймони мукаммал бўлишидан умид қилса бўлади.

2. Аллоҳ учун ёмон кўриш. Кимни ёки нимани ёмон кўрса, Аллоҳ учун ёмон кўрадиган кишигина иймонининг мукаммал бўлишидан умид қилса бўлади. Бировни ёмон кўрадиган бўлса, ўша одам Аллоҳнинг амрида юрмагани учун, Аллоҳнинг динига амал қилмагани учун, гуноҳ ишларни қилгани учун ёмон кўради. Бошқа сабабдан ёмон кўриш эса мумкин эмас. Шунингдек, бирор ишни, гуруҳни ёки шунга ўхшаш нарсаларни ҳам Аллоҳ учун, Аллоҳнинг таълимотларига тескари бўлгани учун ёмон кўрган одамгина иймони мукаммал бўлишидан умид қилса бўлади.

3. Аллоҳ учун бериш. Бунга моддий, маънавий ҳамма нарсалар қиради. Бировга бир яхшилик қилса, Аллоҳ учун, ўша яхшиликдан манфаатдор одам ҳам Аллоҳнинг йўлида юргани учун қилсагина иймони мукаммал бўлиши учун ҳаракат қилган бўлади. Демак, мусулмон одам ўзгаларга моддий ва маънавий эҳсонлар бериш пайтида фақат Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаб иш тутса, иймони комиллиги учун интилган бўлади.

4. Аллоҳ учун ман қилиш. Бунга моддий, маънавий ҳамма нарсалар қиради. Бировдан бир нарсани ман қилса, тўсса, фақат Аллоҳ учун, ўша иш Аллоҳнинг амрига тўғри келмаслиги учун, ўша шахс Аллоҳнинг амрида юрмагани учун бериладиган нарсани ман қилиши керак.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 2-жилд, 178-182-бетлар).

ЎРНАК ОЛЫНГ, ЎБРАТЛАНЫНГ!



Хамиша камбағалликдан шикоят қилиб юрганларни ёки бойлик, пул топиш орзусида ҳаловатини йўқотганларни кўрганда беихтиёр, «Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаётларидан ибрат олинг, у зотнинг аҳли байти қандай кун кечирганига назар солинг, саҳобийларнинг, тобеъинларнинг турмушларини ўрганинг», дегинг келаверади. Бунга Ислом тарихида мисоллар тўлиб-тошиб ётибди:

Абу Ҳурайрадан келтирилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кунларнинг бирида ёки кечаларнинг бирида кўчага чиққанларида, Абу Бакр ва Умарни (розияллоҳу анҳумо) учратдилар. Уларга: «Сизларни бу соатда уйингиздан нима етаклаб олиб чиқди?», деганларида, икковлари: «Очлик, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга қасам, мени ҳам сизларни олиб чиққан нарса олиб чиқди, юринглар», дедилар. Саҳобалар у зот билан ансорийлардан бир кишиникига боришди. Боришса, у уйида йўқ экан. Унинг хотини буларни кўриб: «Хуш келибсизлар, марҳабо», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фалон киши (яъни, эринг) қаерда?» дедилар. У аёл: «Бизга ичимлик суви олгани кетди», деди. Шу пайт ҳалиги ансорий келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва икки биродарларини кўриб: «Аллоҳга ҳамд бўлсин, бугун меҳмон жиҳатидан мендан кўра ҳурматлироқ киши йўқ», деди. Ва бориб, хурмоси бор бир новда кўтариб келди. Унда пишмаган, қуритилган ва хўл хурмо бор эди. У: «Енглар», деб илтифот қилди. Сўнг қўлига пичоқ олувди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Кўй, сут бериб турган жониворни сўйма», дедилар. Кейин хонадон соҳиби бир қўй сўйди. Улар бу қўйдан ва ҳалиги новдадаги хурмодан еб, ичимликлар ичишди. Қоринлари тўйиб ва ташналиклари қонганидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу

Бакр ва Умарга: «Аллоҳга қасам, Қиёмат куни бу неъматлар ҳақида сўроққа тутиласизлар. Сизларни очлик уйлариингиздан чиқарган эди, сизлар эса бу неъматларга эришиб қайтмоқдасиз», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этганларида ортларидан на бир динор ё дирҳам пул, на бир қул, на бир чўри қолдирмай, балки совутларини бир яҳудийга ўттиз соъ (бир соъ 2,176 килога тенг) таомга гаровда қолдириб дунёдан ўтдилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Мўминлар онаси Оиша бинти Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёстиқлари теридан бўлиб, ичига хурмо кипиғи солинган эди» (Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Динор ва дирҳамга ҳамда баҳмал ва кимхобга (яъни бойлик ва кийимга) қул бўлганлар ҳалок бўлишди. Агар уларга берсанг, (сендан) рози бўлишади, бермасанг, рози бўлишмайди», деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Саҳл ибн Саъд Соъидийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Агар Аллоҳ ҳузурда дунёнинг пашша қанотичалик қадри бўлганида эди, кофирларга ундан бир хўплам сувча нарсани ҳам бермас эди», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Қаъб ибн Йёздан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ўар бир умматнинг фитнаси бор. Менинг умматимнинг фитнаси мол-дунёдир», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Пайғамбар алайҳиссалом суюмли қизлари Фотимаи Заҳрони Ҳазрати Алига турмушга узатишга



қарор қилганларидан кейин ундан: «Махрга бирор нарсанг борми?», деб сўрадилар. Ҳазрати Али: «Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», деди. «Ҳутамийя совутинг қани?», дедилар Пайғамбаримиз. «Ўзимда, эй Аллоҳнинг Расули», деди Ҳазрати Али. «Ўшани бер, бўлмаса», дедилар. Совут Усмон ибн Аффонга 470 дирҳамга «сотилди». Ана шу пулга атир-хушбўйликлар, келинга бир сидирға (!) сарпо харид қилинди. Тўй зиёфати қилишга маблағ йўқ эди. Саъд ибн Муоз қўй олиб келди. Саҳобалар жўхори ва бошқа егуликлар топишди. Пайғамбарнинг суюмли қизлари Ҳазрати Али хонадонига келин бўлди (Имом Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Ҳаннод ад-Динаврий Шайбидан бундай ривоятни келтиради: «Ҳазрати Али айтадилар: «Муҳаммад алайҳиссалом қизлари Фотимага уйланимда менинг ҳам, унинг ҳам бир қўй терисидан (пўстак) бошқа тўшагимиз йўқ эди. Кечаси устида ухлар эдик, кундузи унда сувчи туяга ем берардик. Менинг ундан (Фотимадан) бошқа хизматчим йўқ эди». Расулulloҳ алайҳиссалом қизлари Фотимани Ҳазрати Алига никоҳлаб берганларида у билан бирга теридан бўлган тўшак, ичига хурмо қипиғи солинган болиш, тош тегирмон, сув идиши ва иккита мешча юборган эканлар.

Тарихчилар бундай ҳикоя қилишади: Бир куни Ҳазрати Али Фотиماи Заҳрога: «Қудукдан сув тортавериб кўкрагим оғриб кетди. Отангизга Аллоҳ кўп асирларни берган, бирорта хизматчи сўрасанг қандок бўларкин?», деди. Фотима ҳам: «Мен эса тегирмон айлантиравериш қўлларим кавариб кетди, бориб хизматчи сўрайман», деди. Фотима биринчи гал оталаридан ҳаё қилиб сўролмади қайтдилар. Кейин эр-хотин икковлашиб хизматчи сўрагани боришди. Сув тортавериш, тегирмон айлантиравериш қийналиб кетишганидан арзи ҳол қилиб, хизматчи берилишини сўрашди.

Энди Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суюмли қиз ва куёвларига қилган жавобларини тингланг: «Аллоҳга қасам, сизларга бериб аҳли суффани оч қолдирилмайман. Ҳозир маблағ топа олмай асирларни сотиб, тушган маблағни аҳли суффага сарфламоқчиман». Улар ноилоҳ орқага қайтишди. Кейин Расулulloҳ хизматчи ўрнига қизлари ва куёвларига намоздан сўнг ўттиз уч мартадан тасбеҳ, таҳмид, такбир айтишни маслаҳат бердилар.

Расулulloҳнинг хонадонлари ҳаддан зиёд камтарона, факирона яшар эди. Тобеъинлардан Урва ибн Зубайрнинг ривоят қилишича, Ҳазрати Оиша жияни Урвага Хужрай саодатда қандай яшаганлари ҳақида шундай деган: «Ойдан-ойга қараб турардик. Расул алайҳиссалом уйларида кўпинча қозон осилмасди. Емагимиз асосан хурмо ва сув бўларди. Расулulloҳнинг ансорий қўшнилари баъзан бизга сут келтириб беришарди. Биз шуни ичардик».

Пайғамбар алайҳиссалом Мадинада завжаи мутоҳхаралари билан масжидга ёнма-ён қурилган хужраларда яшар эдилар. Ҳасан ибн Али (р.а.) айтадики: «Усмон халифалиги даврида Набий алайҳиссалом завжалари яшаган хужраларга кирсам,



қўлим шифтларига тегар эди». Валид ибн Абдулмалик замонида бу хужралар масжидга қўшиб юборилган эди. Саид ибн Мусаййиб айтади: «Агар бу хужралар шу ҳолида бузмасдан қолдирилганида эди, дунёнинг хазина калитлари қўлларида бўлатуриб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рози бўлган нарсаларни одамлар ўз кўзлари билан кўришар эди».

Аллоҳнинг суюкли пайғамбари, бутун Ислому оламининг раҳбари ва йўлбошчиси, Аллоҳ таоло «агар хоҳласангиз, тоғларни олтинга айлантириб бераман», дея ваъда қилиб турган зот энг суюмли қизларига қўша-қўша кўрпа-тўшаклар, кўплаб чорва моллари, керагича уй жиҳозлари, сон-саноксиз кийим-кечакларни сеп қилиб беришлари мумкин эди. Бутун Мадина аҳлини, ҳатто бошқа ўлкалардан меҳмонларни чорлаб шоҳона тўйлар қилиб беришлари мумкин эди. Аммо у зот бундай қилмадилар. Чунки, бунга ахлоқлари йўл қўймас эди, динлари, диёнатлари ижозат бермас эди. Аксинча қизлари ва куёвларини камтарликка чақирдилар, буюк қаноатга йўлладилар.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматлари бўлган бизлар бугун нима қиляпмиз? Нега у зотдан, Пайғамбар оиласидан ўрнак олмаймиз, ибратланмаймиз? Аксинча, қизимизни узатсак, қўша-қўша жиҳозлар, беҳисоб кийим-кечаклардан иборат сеп қилишга уринамиз. Ўғлимизни уйласак, бунча мебел қиласан, фалондака уй олиб берасан, бунча одамга зиёфат берасан, тўйга фалон артистни чақирасан, деган шартлар қўямиз. Никоҳ тўйларини серхашам, дабдабали қилиб ўтказишда кимўзарга мусобақалашамиз. Фарзандларимизнинг бахт-саодатини, иймонини, инсофини, диёнатини ўйламаймиз. Бу мол-дунё, ҳашам ва дабдабалар уларга яхшилик келтиради, деб ўйлаймиз буларнинг охираддаги ҳисоб-китоби ҳақида мутлақо бош қотирмаймиз. Агар бу дабдабаю-асъасалар динимизга, ахлоқимизга, охираддаги аҳволимизга фойда берганида Аллоҳ ҳам, Унинг Расули ҳам бунга буюрган бўлур эди. Йўқ, аксинча Расулulloҳ алайҳиссалом ҳаётда бунинг бутунлай зиддига тарғиб қилганлар.

Анвар АҲМАД.



ОТА-ОНА НАФАҚАСИ ЎҒИЛГА ВОЖИБ

Бой фарзанд катта ёки ёш, эркак ёки аёл бўлишига қарамай, ота-онасини, камбағал бобо ва бувиларини уларнинг мусулмон, зиммий бўлишидан, бирор касб-корга қодир ёки ожизлигидан қатъи назар, нафақа билан таъминлаши лозим ва муҳтож ота-боболарни нафақалашда бой фарзанд бошқа ҳеч кимнинг иштирокини қабул қилмайди.

Агар ота сурункали давом этаётган касал бўлса ёки хотини ё хизматини қиладиган бирор хизматкорга муҳтожлик сезадиган хасталикка чалинган бўлса, бу ҳолда бой ота камбағал ўғлига хизматкор зарур бўлганида унинг нафақасини адо этганидек, бой ўғил ҳам отасининг хотини ё хизматкори нафақасини тўлаши лозим бўлади. Агар камбағал отанинг бир неча хотинлари бўлса, юқорида зикр этилган отага лозим бўлган бир хотиннинг нафақасидан ташқари бошқа хотинларининг нафақасини тўлаш фарзандга вожиб эмас.

Камбағал ўғилга камбағал отани нафақа билан таъминлаш вожиб эмас, фақат ўғилнинг касб-кори бўлса ва ота ишга ярамайдиган, сурункали касалга чалинган бўлса, шундагина фарзанд отага ёрдам беради. Агар оғир касал отанинг уйида она муҳтож ҳолатда бўлса, унинг оғир касаллиги бўлмаса ҳам ва агар камбағал ўғилнинг фарзандлари ҳам бўлса, ота-оналарининг фарзандларига қўшиб барчаларини биргаликда нафақа билан таъминлайди ва уларга ўз имкониятидан ортиқ нарсани беришга мажбурланмайди.

Агар ўғил вақтинча узоққа кетган бўлсаю унинг мол-мулки бирор кимсага сақлашга ёки қарзга берилган бўлса, қози ўша молдан унинг камбағал ота-онасига нафақа белгилайди. Агар молни сақловчи ёки қарзга олган одам узоққа кетганининг молидан унинг ота-онасига унинг рухсатисиз ёки қозининг амрисиз нафақа қилган бўлса, нимани нафақа қилган бўлса мол эгаси келиб ўшани қафолатлаши лозим. Ота-онаси буни тўламаслиги керак.

Агар кекса, сурункали оғир касалликка чалинган кишиларнинг моли ёки ёрдам қиладиган қариндоши бўлмаса, улар давлат хазинасидан нафақаланишади.

Ота-оналарини нафақа билан таъминлашда фарзандларининг мерослари эътиборга олинмайди, булки жузъийлик ва қариндош-уруғчилик яқинлиги эътиборга олинади. Агар камбағал кишининг ўғил ва қизи бой бўлишса, уларнинг икковига ҳам оталарини нафақалантириш баолбардир. Агар отанинг ўғли ва ўғлининг ўғли (набираси) бўлсаю, уларнинг ҳар иккови ҳам бой бўлишса, отани нафақалантириш ўғил зиммасида бўлади.

Агар ўғил ғойиб бўлса (узоққа кетса) ҳамда унинг моли нақд бўлмаса, у ҳолда отани нафақалантириш ўғилнинг ўғлига (яъни набирага) амр этилади ва унга отаси қайтиб келганидан кейин буни қайтаради. Агар ота ўғлининг ўғли ва қизи бўлса, уларнинг иккови ҳам нафақалантиришда тенгдирлар.

*Абул Маъоний Собитхонтўра Файзихонтўранинг
“Аҳқомуш-шаръийя фил аҳволиш-шахсийя” китобидан олинди.*



АБДУЛЛОҲ ИБН ҲУЗОФА



Абдуллоҳ ибн Ҳузофа (розийаллоҳу анху) саҳобийлар орасида биринчилар қатори мусулмон бўлганлардан эди. У Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча газотларида қатнашган. Бир гал эллик кишилик жангчилар гуруҳига бош ҳам бўлган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мактубларини Эрон кисроси (подшоҳи) Парвезга олиб бориб элчилик қилган. Расули акрамдан бир неча ҳадис ривоят қилган. Ҳазрати Умар халифаликлари даврида Абдуллоҳнинг византияликларга асир тушганлари, шунда иймонда қаттиқ туриб, Византия императорининг Исломдан қайтиш эвазига тахт, мол-мулк ва қизини бериш ҳақидаги таклифини рад этганлари, ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмай бир тадбир билан ўзлари ва саксон мусулмон жонини қутқариб қолганлари ҳақида гўзал тарих бор. Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Ҳазрати Усмон халифаликлари даврида Мисрда вафот этган.

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) машҳур саҳобаларидан Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ас-Саҳмий (розийаллоҳу анху) зиммасига Форс диёрининг кисроси (подшоҳи) Хусрав ва Рум мамлакатининг қайсари Ҳирақл билан учрашиш ва буларнинг биринчисига Ислом давлати раҳбарининг номасини топширишдай улуғ ва масъулиятли вазифа тушди. Абдуллоҳ ибн Ҳузофа бу топшириқни чиройли ва ўринлатиб бажара олди.

Абдуллоҳнинг форслар шоҳи билан учрашуви хижрий иккинчи йили, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ажам юртлари раҳбарларига Исломга кириш таклифи билан мактуб ёзиб, баъзи асҳобларини уларга элчи қилиб жўнатган йили рўй берди.

Пайғамбар алайҳиссалом бу ишнинг ниҳоятда хатарли эканини яхши билардилар. Чунки элчилар олдида олислардаги мутлақо нотаниш ўлкаларга сафар қилиш вазифаси турарди. Бу юртлар билан ҳеч қандай алоқалар ўрнатилмаганди. Мактубни олиб боровчилар на ерли аҳоли тилини ва урф-одатларини, на подшоҳларининг феъл-атворию табиатларини билишарди. Бунинг устига саҳобалар ўша номдор подшоҳларни ота-боболари топинган динни тарк этишга, обрў-шуҳратларини дабдабалардан воз кечиб, кечагина қўл остларида бўлган халқ динини қабул қилишга чорлашлари лозим эди.

Бу сафар ҳақиқатан хатарли, аини пайтда ўта муҳим эди. Элчилик вазифасига тайинланган киши жонини гаровга қўйган билан баробар эди, ҳатто бу сафардан эсон-омон қайтиб келишнинг ўзи қатга бахт саналарди. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини тўпладилар. Улар йиғилгач, Аллоҳга ҳамду сано, сўнг шаҳодат калимасини айтиб бундай дедилар:

– Сизлардан баъзиларингизни ажам юртлари подшоҳлари олдида элчи қилиб юбормоқчиман. Бани Исроил қавми Исо ибн Марямга итоатсизлик қилганидай сизлар ҳам менга нофармон бўлманглар.

– Ҳар бир амрингизга сўзсиз итоатда бўламиз, – дейишди саҳобалар, – хоҳлаган жойингизга жўнатаверинг, бизлар тайёрмиз!

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мактубларни элтиш учун саҳобалардан олти кишини танлаб олдилар. Улар орасида Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ас-Саҳмий (розийаллоҳу анху) ҳам бор эди. Пайғамбар алайҳиссалом мактубларини Форс кисросига элтиш унинг чекига тусди.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа сафар анжомларини тайёрлади, хотини ва ўғли билан хайрлашди. Сўнг ҳаётидаги энг шарафли вазифани бажариш мақсадида кир-адирлар оша олиш йўлга чиқди. Ҳамроҳи йўқ эди, ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи унга йўлдош эди. Абдуллоҳ Форс диёрига етиб келиб, тўғри подшоҳ саройига борди. Аъёнлардан ҳукмдор ҳузурига киришга изн сўради. Кисро қаср айвонини безашга буюрди, доим элчиларни қабул қилишда иштирок этадиган аслзодаларни тўплади. Шундан кейингина Абдуллоҳнинг киришига рухсат берди.

Абдуллоҳ ҳукмдор қабулига саҳроий арабларга хос ҳолатда кириб келди: эгнида ориқ танасига ёпишиб турган юпка кўйлак, устидан кўполгина тўқилган тўн кийиб олган эди. Бирок қадди тик, кўзлари ақли боқар, қалби имон билан тўла эди. Унинг бу ҳолатидан Кисро жиркангандек бўлди. Элчини ўзига яқинлаштирмаслик учун мулозимларига "унинг қўлидан мактубни олинглар" ишорасини қилди.

Аммо Абдуллоҳ мактубни бермади, уни бағрига босиб:

– Йўқ, Расули акрам хатни фақат подшоҳ қўлига топширишни буюрганлар, мен Набий кўрсатмаларидан четга чиқмайман, –



деди.

– Уни ўз ҳолига қўйинглар, майли келақолсин, – деди Кисро мулозимларига.

Абдуллоҳ мактубни ҳукмдор ёнида турган таржимонга узатди. У ёзувни ўқий бошлади:

"Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан. Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан Форс подшоҳи Кисрога. Ҳидоят йўлига эргашганларга саломлар бўлсин!..."

Мактубнинг илк жумласини эшитиб Кисронинг ғазаби қайнаб кетди. Юзлари қизарди, бўйин томирлари бўртди. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хатни ўз номлари билан бошлаганлари Кисро жаҳлини чиқарган эди. У таржимон қўлидан мактубни тортиб олди ҳамда парча-парча қилиб йиртиб ташлади ва:

– Менга тобеъ бўлатуриб бундай андишасиз сўзларни битишга қандай ҳадди сифди унинг? – дея бақирди. Сўнгра Абдуллоҳни қабулхонадан қувиб чиқаришга фармон берди.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа (розийаллоҳу анҳу) саройдан чиқиб кетар экан, Аллоҳ унга қандай ёзиқлар битганидан бехабар эди... "Ўлдиришармикин ё тўрт томонинг қибла, деб қўйиб юборишармикин?" деб ўйларди. Ора-сира: "Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) топшириқларини бажардим, асосий иш битди, энди бошимга нима кун солишса ҳам парво қилмайман", деб ўзига ўзи тасалли берар эди.

Ўйлай-ўйлай элчи йўлга чиқишга қарор қилди. Кисро ғазаби пасайгач Абдуллоҳни ҳузурига олиб киришларини сўради. Аммо у ғойиб бўлган эди. Чор атрофни ахтариб, ҳамма нарсанинг тит-питини чиқариб ташлашди, аммо унинг изини ҳам топа олишмади.

Бу пайтда Абдуллоҳ Кисро саройидан жуда олислаб кетган, араб саҳросига элгувчи йўлга тушиб олган эди. У Мадинага қайтиб келиб, Кисро билан қандай учрашгани, унинг мактубни йиртиб ташлагани ҳақида гапириб берганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳ унинг салтанатини парчаласин", дедилар.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Рум қайсари билан Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) халифалик қилган даврда учрашди. Ҳижрий

ўн тўққизинчи йили Умар ибн Хаттоб Румга қарши қўшин юборди. Унинг сафида Абдуллоҳ ҳам бор эди. Рум қайсари мусулмон лашкарининг жасурлиги ва шавкати, аскарларнинг имони ва ақидаси кучли экани ҳақида кўп эшитганди. Бу гапларнинг нечоғли чин-ёлғон эканини текшириш учун у жангчиларига мусулмонлардан асир тушса ўлдирмай тириклай келтиринглар, деб буюрган эди. Иттифоқо, Абдуллоҳ Рум аскарларига асир тушиб қолади. Уни подшоҳ ҳузурига келтиришади. Шунда тарих китобларида кўп марта зикр этилган ажойиб бир воқеа содир бўлади.

Рум қайсари Абдуллоҳга узоқ тикилиб тургач:

– Агар насроний динига кирсанг, сени озод қилиб, кўп иззат-икромлар кўрсатаман, – деди.

Абдуллоҳ бунга қўнмади. Ҳукмдор уни синашда давом этди:

– Агар таклифимга қўнсанг, салтанатимнинг ярмини бераман.

Абдуллоҳ бунга ҳам рози бўлмади.

– Унда сени ўлдираман, – деб кўрқитди подшоҳ.

– Хошишинг, – деди Абдуллоҳ.

Бу билан ҳам мағрур асирни енга олмаган Рум қайсари энди бошқача йўл тутди:

– Агар пешонамдан битта ўпиб қўйсанг, сени озод қилиб юбораман.

Шунда Абдуллоҳ:

– Бошқа мусулмон асирларни ҳам озод қиласанми? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Рум қайсари.

Абдуллоҳ қайсарга яқинлашиб, унинг пешонасидан ўпди. Рум подшоҳи сўзи устидан чиқиб, барча мусулмон асирларини тутқунликдан бўшатди.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа (розийаллоҳу анҳу) бўлиб ўтган воқеани Ҳазрати Умарга сўзлаб берганида, у зот ниҳоятда қувонди. Озод қилинган асирларни кўрганида эса:

– Абдуллоҳ ибн Ҳузофанинг пешонасидан ўпиб қўйиш ҳар бир мусулмон зиммасидаги вазифадир. Буни ўзим биринчи бўлиб бажараман, – деди ва ўрнидан туриб Абдуллоҳнинг пешонасидан аста ўпиб қўйди.

Аҳмад МУҲАММАД таржимаси.



АВРАТ НИМА?

“Аврат” сўзи арабча бўлиб, инсон қадри ва ҳаёси учун баданининг бекитадиган аъзоларини англатади. Инсон танасининг шариат ҳукмига кўра кўздан яширилиши ва намозда ёпиқ туриши фарз қилинган, кўрсатиш ва қараш ҳаром бўлган қисми авратдир. Авратни кўриш ва кўрсатиш ҳаром қилинган. Балоғатга етган эркак киши танасининг киндикдан тизза остигача бўлган қисми, аёллар танасининг эса юз, қўл, оёқлари (тўпиғидан пасти)дан ташқари барча қисми аврат ҳисобланади. Аврат жойларни бошқалар кўзидан яшириш фарз. Табиб (дўхтир), ҳамшира, хатначи, энага ва беморга қараётган яқин қариндошлар кўзи зарурат даражасида аврат жойларига тушишига рухсат берилган. Жинсларнинг фарқига бормайдиган ёш болалар қарашини ҳам айбланмайди.

Кийимнинг асосий вазифаси авратни ёпишдир. Авратларни ёпадиган кийим инсон учун асосий кийим (Аъроф, 26), бошқа қўшимча кийим-кечаклар эса зебу зийнат ҳисобланади. Аврати (киндигидан тиззасигача) тўсилган эркак киши тозаланиб, тоза кийим билан тоза жойда намоз ўқиса, кўча-кўйда юрса, гуноҳ бўлмайди. Лекин бу одобсизлик ҳисобланади. Аммо Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) авратларинигина тўсиб олиб намоз ўқиётганларини ҳеч ким кўрмаган, у киши доимо одоб билан, яхши кийимларни кийиб намоз ўқиганлар. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига эргашган мусулмонлар бу кунгача ярим яланғоч ҳолда юришни тарк этиб, одобли кийимлар билан ибодат қиладилар, ҳаёт кечирадилар. Агар кийим баданининг ранги яққол билинадиган даражада юпка бўлса, у билан намоз ўқиш ҳам, кўча-кўйда юриш ҳам гуноҳ.

Намозда аёл кишининг сочидан тўртдан бир қисми очилиб қолса, намози бузилади.

Эркак киши хотин кишининг, хотин киши эркак кишининг авратига қарашини мутлақо мумкин эмас. Эркак кишилар ҳам бир-бирларидан авратларини беркитишлари, бир-бирларининг авратларига қарамасликлари керак. Бу нарса шариатимизда ҳаром қилинган.

Аёл киши ҳам аёл кишининг авратига қарамайди. Аёл кишининг аврати бошқа аёлга нисбатан иккига бўлинади:

1. Муслима аёлнинг муслима аёлга нисбатан аврати киндигидан тиззасигача. Бу қисм аъзоларини муслималар ҳатто онаси ва опасинглисига ҳам кўрсатмаслиги керак. Ўзи ҳам бошқа аёлларнинг ўша жойларига қарамаслиги лозим.

2. Муслима аёлнинг бошқа диндаги ёки умуман динсиз аёлга нисбатан аврати юзи, қафти ва оёғидан (тўпиғи пастидан) бошқа барча жойларидир.

Эркак кишининг эркак кишига, аёлнинг аёлга яланғоч баданини теккизиши ҳам ман қилинган. Бу қайтариқ зино, баччабозлик, аёлларнинг бир-бирлари билан шаҳвоний алоқалари каби катта гуноҳ ҳисобланган ҳаром ишларнинг олдини олиш учундир. Эркак киши авратини хотини ва чўрисидангина тўсмаслиги ва ўзи ҳам уларнинг ҳамма жойига қарашини мумкин. Ҳатто ҳеч ким йўқ жойда ҳам одам авратини тўсиб чўмилиши афзал. Шу боис умумий ҳаммомларга тегишли хос ҳукмлар ҳам бор. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мусулмонларни умумий ҳаммомдан эҳтиёт бўлишга, шариат ҳукмларига қаттиқ риоя қилиб, авратларини тўсган ҳолда киришга чакирганлар.

Киши кўзини авратга қарашдан тийиши вожибдир. Уламоларимиз, ким ҳаммомга яланғоч кириб бошқаларга авратини кўрсатса, унинг гувоҳлиги қабул қилинмайди, дейишган. Яъни, бунинг оқибатида киши фосиқ бўлади, тўлақонли, эътиборга сазовор мусулмонлик даражасидан тушади.

Эркаклар номаҳрам аёллардан кўзларини тийишга буюрилганларидек, аёллар ҳам номаҳрам эркаклардан кўзларини тийишга буюрилганлар.



Агар шаҳватга, фитнага ундаса, аёлларнинг овози ҳам аврат ҳисобланади. Яъни, овозини бундай эшиттириши ҳаром. Ёш аёл бегона эркакларга салом бермайди, аксирган кишига «Ярҳамукаллоҳ» демайди, жавоб қилмайди.

Аллоҳ таоло кийим-бошни инсонга авратини тўссин, ўзини тузатсин деб берган. Аёл киши қариб, шаҳватдан умуман умидсиз бўлиб қолганида ўта ўраниб-чириб юрмаслигига Қуръони каримда рухсат бор (24:60). Лекин шундай бўлса ҳам ифбатларини сақлаганлари ўзларига яхши.

Намозда аврат ҳисобланадиган аъзоларни ўзгалардан беркитиш фарз. Аммо намозхоннинг ўзидан беркитиши шарт эмас. Масалан, иштонсиз узун кўйлак кийиб намоз ўқиётган киши энгашиб рукуъ ё сажда қилганида ёқадан ўзининг авратига кўзи тушса, намози бузилмайди. Намозда аврати очилиб кетса, дарҳол ёпиб олса, зарари йўқ. Аммо бир рукн муддатида очик қолдирса, намози бузилади.

Эркак киши кўйлак, иштон, салла билан намоз ўқиши мустаҳаб ҳисобланади. Фақат бир узун кўйлак билан ўқиса ҳам макруҳ эмас. Аммо бир иштоннинг ўзи билан ўқиши макруҳдир.

Сайфуллоҳ Абдуллоҳ ўғли АШУРОВ тайёрлади:

Манбалар: 1) Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 2-нашр. 2-жуз. Т., «Мовароуннаҳр», 2005, 311-б.; 2) Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 2-нашр. 4-жуз. Т., «Шарқ», 2006, 199–201-б.; 3) Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. Поклик китоби. 4-жуз. Т., «Мовароуннаҳр», 2005, 217–231-б.; 4) Аҳмад Зиёуддин ал-Қумуихонавий. Жомихул Мутун. Т., «Мовароуннаҳр», 2000, 256-б.; 5) Аҳмад Зиёуддин ал-Қумуихонавий. Ромузул Аҳодис (Ҳадислар денгизи). Т., «Нур сеҳри ошиғини», 2007, 477-б.;

ҒАЗНАВИЙЛАР САЛТАНАТИ

Ғазнавийлар тарих сахнасига милодий 961 йили келишди ва роппа-роса 225 йил ҳукмронлик қилишди. Улардан олдин Сомонийлар сулоласи ўнинчи аср охиригача ҳукмронлик қилган, бироқ бундан анча илгари унинг инкирозидан дарак бериб Кобулда янги давлат вужудга келган эди. Унга сомонийларнинг собиқ турк қули Алптегин асос солди. У сомонийлар авлоди қироллигидаги тансоқчилар гуруҳида юксак мавқега эришгач, Хуросон ҳокими этиб тайинланди. Анча вақтдан кейин нафратга учраб, кичикроқ кўшин билан шарқий вилоятларга, Ғазна деган жойга бош олиб кетди ва у ерда мўъжазгина шаҳар-давлат барпо этди. Унга ворис бўлган қули ва куёви Сабуктегин анча истеъдодли киши эди.

Сабуктегин 967-997 йиллар орасида ўттиз йил даврон сурди. У мустақилликка эришиб, ўз ерларини кенгайтди. Ғарбда сомонийлар авлодининг сўнгги вакилидан Хуросонни тортиб олди, шарқда эса ҳозирги Покистон ва Афғонистон ҳудудида жойлашган Пешоварни эгаллади. Бу ерда унга хужум қилган Панжоб рожаси Жайпал мағлубиятга учраб, жуда катта миқдорда тоvon тўлашга рози бўлди. Лекин Жайпал Лоҳўрга қайтиб келгач, сўзининг устидан чиқмади, шунинг учун ҳам Сабуктегин унинг тасарруфидаги ерларга бостириб кирди. Бошқа рожаларга ёрдам сўраб мурожаат қилган Жайпал улардан мадад олиб, бирлашган кучлари билан Сабуктегин устига юриш қилди. Бироқ ҳиндларнинг яна омади чопмади. Натижада Ҳинд дарёсининг ғарб томонидаги ерлар ғазнавийлар ихтиёрига ўтди.

Ғазнанинг 999-1030 йиллардаги буюк султони Улуғ Маҳмуд Сабуктегиннинг ўғли эди. У ғазнавийлар шуҳратини бутун Осиёга ёйди. Маҳмуд отаси билан биргаликда кўрган тadbирларидан ўз уруғи билан сомонийлар орасида талашувлар бўлиб турганини, Шарқда Панжобнинг шахий подшоҳлари билан рақобат мавжудлигини яхши билар эди. Шу пайтда Жайпал казо қилиб, унинг ўғли Анадпал Панжобни бошқариб турган эди. Отаси сингари у ҳам шартлашилган товонни тўлашдан бош тортди, бу Маҳмуд билан шахий подшоҳлари ўртасида уруш чиқишига яхши баҳона бўлди. Ўзаро тортишувлар Ислom азаматининг Ҳиндистон шахий подшоҳлари устига машҳур ўн еттинчи юриши билан якунланди. Қатъиятли сунний бўлган Маҳмуд Ғазна султони сифатида халифа деб эътироф этилди. Халифа унга "Ямин уд-Давла" (Давлатнинг ўнг қули) унвонини берди.



Шундан кейин Маҳмуд ўзининг урушлари силсиласини бошлаб юборди. У Ҳиндистоннинг муҳим маданий ва диний марказларига хужумлар уюштирди, чунки кўшни рожалар шу масканларни қутқариш учун бирлашишларидан хабардор эди. Ғазнавийлар ўша пайтда ўн икки марта юриш қилганлари тарихда қайд этилган. Ҳиндларнинг Гужарат вилоятига қарашли Катхиаваре деган жойдаги машҳур Сомнас зиёратгоҳига қилинган хужум уларнинг энг машҳуридир. Маҳмуд Рожпутан чўлини босиб ўтишга мажбур бўлган бу юришида ўзининг қарийб барча ҳинд рожаларининг бирлашган кучларига қарши туришини яхши биларди. Бу жанговар саркарданинг жасурлиги ҳеч қандай таърифга сиғмас эди. Дастлабки пайтда анча кўп сонли ҳинд кўшинлари исканжасида бўлгани ҳолда ғолиб чиқиб, шаҳарни эгаллагач, Сомнас эҳромига кириб борди ва миллионлар илтижосига қарамай, ундаги бутни чил-парчин қилиб ташлади. У юртига катта ўлжа билан қайтди. Маҳмуднинг ғарбдаги зафарлари ҳам Хуросон ва бутун Форснинг қўшиб олинишидан қолишмайди. Шуҳрати чўққисида у Ҳиндистондаги Жамна дарёси билан ғарбдаги Дажла дарёси ўртасида жойлашган бепоён кенглик ҳукмдори бўлиб турди.



Маҳмуд Ғазнавий юришлари туфайли Ислом дини ҳақиқатан ҳам кенг қўламларда жорий этила борди. Маҳмуд Канаужа ва Дехлигача борган бўлса ҳам, фақат Панжобни эгаллашга эришди. Ғазнавийлар даврида Панжоб, аниқроғи, унинг учдан икки қисми мусулмон дунёсининг бир бўлагига айланди. Лохўр, Панжоб ва Юқори Синд ғазнавий ҳокимлигининг вилоят марказлари бўлиб хизмат килди. Сўнгги ғазнавий ҳокимлар эса Ғазнага эмас, Лохўрга бўйсунардилар. Маҳмуд Ҳиндистонда узоқ хотира қолдирди. Бу хотира фақат Панжобнинг доимий истилоси билангина чегараланиб қолмасдан, кўпроқ Маҳмуднинг ва унга қарам туркларнинг ўзларига нисбатан ҳиндлар қалбида уйғотган очик-ойдин кўрқувда бўлмаса ҳам, душманликда ифодасини топди. У ҳиндлар бошида тез-тез калтак синдириб турди, ўғли Султон Масъуд ва невараси Баҳромнинг шон-шухрати эса Ҳиндистонда шу қадар кучли янгрардики, ғурийлар Ҳиндистон устига бостириб келаётганларида Присви Рож, деҳлилик Чоукан Рож ҳамда Ахмернинг қарши чиқишларини ҳисобга олмаганда, ҳиндлар ҳатто мусулмонлар ҳаракатига сезиларли тўсиқ бўла олишмади.

Ҳинд тарихчилари Маҳмудни босқинчиликда, шаҳарлар ва эҳромларни шафқатсиз вайрон қилишда айблашади. Бу тўғри эмас, албатта. Маҳмуд учун Ҳиндистон "Дорул-ҳарб", яъни урушлар маскани бўлган. Шаҳий подшоҳлари Маҳмуднинг отасига

қарши уруғчилик урушини қўзғашди, кўп марталаб Сабуктегинга ҳамда Маҳмудга берган ваъдаларига вафо қилишмади. Эҳтимол "муқаддас уруш" олиб борган Маҳмуддан ватанларини ҳимоя қилганлари учун уларнинг қилмишларини оқлаш мумкин. Маҳмуднинг ўз таъбири билан айтганда, у бутпарастларга қарши ҳар йили ёки бир йил ўтказиб уруш олиб борарди. Ўша пайтда бундай уруш қонуний бир ҳол ҳисобланарди. У ҳеч қачон шаҳарларни яқсон қилмаган, оммавий қирғинларга йўл қўймаган.

Ислом қахрамони сифатидаги шон-шухрати билан Маҳмудга бас келадиган ҳокими мутлақлар кўп эмас. Ўз пайтида у Осиёнинг биринчи ҳокими эди. Жонажон шаҳри Ғазнада беҳисоб кўп иморатлар, мактаблар, беадад илмий муассасалар қурдириб, халқига ато қилди, ўз пойтахтига кўплаб машҳур кишиларни даъват этди. Бу унинг номини ўн биринчи асрдаги энг буюк илмпарвар сифатида тилларда дoston айлади. Маҳмуд шоирлар ва машҳур кишиларга ҳар йили 400 минг динарлаб маблағ сарфлаши билан Фирдавсийни мислсиз "Шоҳнома" асарини ёзишга илҳомлантирган. У Ғазнада дорилфунунга асос солиб, машҳур файласуф, олим, сўз устаси ва шоир Ансорийни унга мударрисликка тайинлади. Бошқа кўпгина шоирлар, жумладан, Асади Тусий, Фирдавсий, Асжодий ва Фаррухий ҳам шу ерда эдилар. Улуғ аллома Беруний ҳам Маҳмуд ҳузурида ишлади, лекин у шоҳнинг маслаҳатчиси Аҳмад ибн Маймандий билан чиқиша олмай, шаҳзода Султон Масъудга қўшилди. Ғазнавийлар ҳақида битилган "Тарихи Яминий" асарининг муаллифи машҳур олим Утбий Маҳмуд саройида фаолият кўрсатган. Ўз паноҳида шунчалик кўп ёзувчилар, санъаткорлар ва олимларни тўплаб, бутун қитъада шу қадар юксак обрўга эга бўлиш камдан-кам подшоҳга насиб этган.

Машҳур султонлар - Султон Масъуд ва билим бобидаги жонбозлиги билан донг таратган ўғли Султон Байрам ибн Масъуд Маҳмуд Ғазнавийнинг ворислари жумласидандир. Байрам фозилу фузалоларга совға-саломлар ва мукофотлар беришда жуда саҳий эди. У "Маҳзани асрор" асарининг муаллифи Шайх Низомий ва Сайёд Ҳасан Ғазнавий сингари таникли кишиларни саройга жалб қилди. Айни Султон Байрам подшоҳлиги даврида ва унинг раҳнамолиги туфайли "Калила ва Димна" масаллар мажмуи санскрит тилидан форсчага таржима қилинди. Ғазнавийлар тобора ҳолдан тойиб бораётган қиролликни юз йилдан кўпроқ бошқариб турганларидан кейин Панжоб томон суриб чиқарилдилар. Маҳмуднинг сўнгги вориси у ерда Шаҳобиддин Ғурий (1186 йил) ҳаётлигида Лохўр ҳокими бўлиб турди.

Сардор МАҲМУДнинг Лондонда 1959 йили инглиз тилида chop этилган "Ислом тарихи" китобидан Жамолiddин Ҳамдам ва Шариф Холмурод таржимаси.

ХАЛҚИМИЗ САВОДСИЗ БЎЛГАНМИ?

Мустабид совет тузуми давридаги дарсликлар ва тарихга оид асарларда Туркистон халқининг асосий қисми саводсиз бўлган, аҳолининг бор-йўғи икки фоизигина ўқиш-ёзишни билган, деган ноҳолис ва ғайриилмий иддаоларга кўп дуч келинади. Масалан, рус тилшунос олими В. Наливкин “Сирдарё вилоятидаги маҳаллий мадрасалар аҳволи ҳақидаги маълумотлар”ида бундай ёзади: “1887-1888 ўқув йилида сон-саноксиз мактаблар (!) билан бирга сон-саноксиз саводсиз кишиларни кўрдик” (“Сведения...”, Ташкент, 1916 г. стр. 44).

Дмитрий Граменитский эса “Мусулмонлар ҳаётида бошланғич мактаблар кўп бўлишига қарамай, саводли кишилар жуда кам”, деб уқтиради (“Туркестанские ведомости”, № 30). Яна бир рус олими В. Вяткиннинг гаплари ҳам ҳамкасблариники билан бир хил: “Ибтидоий мактаблар барча қишлоқларда бор, аммо халқ қанчалик ўқимасин, барибир саводсизлигича қолаверган (?)” (“О долине Зеравшан”, газета “Самарканд”, 1904 г. № 113).

Бундай бир-бирига зид, алмоий-алжойи фикрларни совет давридаги расмий манбаларда ҳам учратиш мумкин. Ўзбекистон ССР ФА Иқтисод институти 1950 йили нашр этган “Ўзбекистон. Иқтисодий таъриф” китобида: “1914 йилда Ўзбекистон ҳудудида бир неча мусулмон мактаблари (асосан диний) ва 160 та рус мактаби бўлган” деган сатрларни ўқиш мумкин. Ҳатто Катта Совет Энциклопедиясининг Ўзбекистонга бағишланган бўлимида (изд. 2, том 44, стр. 29) инқилобдан олдинги Туркистонда мавжуд бўлган диний мактаблар тармоғининг ниҳоятда кенг ёйилгани ҳақида лом-мим дейилмаган.

Аслидан ҳам шундаймиди? Исломининг машҳур илм-фан ва маданият ўчоқларидан бўлган, жаҳонга ўнлаб даҳо олимларни берган юрт халқи ҳақиқатан ҳам руслар босиб олгунича ялпи саводсиз бўлганмиди? Холис тадқиқотчиларнинг (буларнинг аксарияти рус олимлари) изланишлари, “қизил мафкура”га хизмат қилмаган соф манбалар бу телба-тескари, “ҳаводан олинган” даъволарнинг ғирт асоссизлигини исботлаб турибди. Тарихий далилларга мурожаат қилинса, бунинг бутунлай аксини кўриш мумкин.

“Комус ул-аълум”да келтирилишича, ўн тўққизинчи милодий асрда биргина Тошкентнинг Эскишаҳар қисмида 13 минг хонадон, 18 та мадраса, 60 та бошланғич мактаб (куттоб) бўлган. Петербургда чиққан “Отечественные записки” журналининг 1821 йилги сонларидан бирида “150 минг аҳоли яшаган Самарқандда қирқта, 200 минг нуфусга эга Бухорода ўттизта мадраса бўлгани” ёзилган. 1974 йили рус тилида нашр этилган “Ўзбекистон халқлари тарихи” китобида 1894 йили Туркистонда жами 6445 та мактаб ва мадраса фаолият юритгани келтирилган.

Ўн тўққизинчи асрда Русиянинг Қўқон хонлигидаги элчиси бўлган Филипп Назаров аср бошларида Қўқонда ўнлаб мадрасалар ишлаб турганини ёзади. Ҳатто амир Умархон замонида хонлик ҳудудида ўн бешта янги мадраса барпо қилинган. Ўша давр маълумотларига кўра, хонликка қирувчи Намангон шаҳрида 39 та мадраса, масжидлар қошида эса 450 дан ортиқ мактаб ва қорихоналар ишлаб турган. Мавжуд элликка яқин қорихонада юзлаб мурағтаб қорилар, Қуръон ҳофизлари тайёрланган. Тадқиқотчи Н. Хаников маълумотларида эса Бухорода 103 та мактаб-

мадраса ишлаб тургани, уларда беш мингга яқин илм толиблари таҳсил олгани таъкидланади (С. Соатов. “Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланмаси”, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1973 йил, 27-бет).

Туркистон халқларининг нечоғли саводхон бўлганини ҳатто рус олимларининг ўзлари тан олишга мажбур бўлишади: “Мусулмон мактаблари шу қадар кўпки, расман беш минг дейишади, аслида эса эҳтимол ўн мингдан ортиқдир” (ЎзССР Марказий Давлат архиви, фонд 47, “Записки Наливкина о мактабах Туркестана в 1894 г.”). 1878 йили Фарғона водийига келган академик А. Миддендорф уч ой мобайнида аҳолининг саводхонлик даражасини ўргангач, бу ердаги мусулмон аҳолининг ёппасига саводхонлиги ҳақида хулосага келади ва бу ҳолат Русиянинг халқ маорифи арбобларига катта маломат эканини ёзади (“Очерки Ферганской долины”, СПб, 1882, стр. 362).

Умумий ҳолат шундай бўлгач, унда нега “халқ саводсиз эди” деган таъна-иддаолар, ноҳолис даъволар пайдо бўлди? Янглишишлар, хато фикрларнинг асоси, бизнингча, рус тадқиқотчилари ва уларга жўровоз бўлган айрим “олим”ларимизнинг ўтмишда улуг давлатчиликка, катта илмий-маданий салоҳиятга эга халқни ёмонотлик қилиш, ўзligидан мосуво этиш ва шу йўл билан келгинди мустамлакачиларга бўйсундириб беришдаги “фидойи”ликларидадир. Улар бу йўлда ҳар қандай ёлғондан, куракда турмайдиган “таҳлил”лардан, бир-бирига боғланмайдиган “далил”лардан бемалол фойдаланишаверади. Буни ҳатто уларнинг айрим маслакдошлари тан олиб ҳам ёзишади: “Туркистон Русияга қўшилганининг биринчи йилларида рус манбаларида ўлкадаги саводхонлик тўғрисида нотўғри фикр-маълумотлар кўп учрайди. Совет асарларида Туркистонда инқилобгача мавжуд бўлган мактаблар тармоғи ҳақидаги масала бўйича ҳақиқатга зид фикрлар келтирилади” (Кириак Бендриков. “Очерки по истории народного образование в Туркестане (1865-1924)”, Москва, 1960 г. стр. 44).

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг бир-бирларидан ўзиб руслар келишигача бўлган таълим тизимининг ёмонотлик қилишлари, мактаб ва мадрасаларни битириб чиққанлар ғирт саводсизу рус-тузем мактабларида ўқиганларгина саводхон, деган фикрлашларининг асл сабаблари худди шу жойда ойдинлашади. Улар мактаб-мадрасаларни “билимсизлик ўчоқлари”, “диний таассуб макони”, “рухий қашшоқлик манбаи” деб аташгача боришдан уялишмайди. Ваҳоланки, холис олимлар ўша даврдаги мактаб-мадрасаларнинг халқни билимли, маърифатли ва саводхон қилишда улкан хизматлар қилганини кўп ёзишади.

Туркистон ўлкасидаги таълим тизими масжидлар қошида ва маҳаллаларда очилган бошланғич мактаблар (куттоблар), Қуръони қаримни ўргатадиган қорихоналар, далоийилхоналар, отинбиби мактаблари ва мадрасалардада олиб борилган. Болалар одатда олти ёшидан мактабга борган. Уларга мактабда араб имлоси ўргатилган, дин асослари ва арконларидан бошланғич маълумотлар берилган. Сўнг Қуръоннинг еттидан бири “Ҳафтияк” ўқитилиб-ёдлатилган. Бундан ташқари, Исломи танитишга хизмат қилувчи ва саводхонлиги оширувчи форс-тожик тилидаги “Чор китоб” (Фаридуддин Аттор), туркийча “Ҳикматлар” (Аҳмад



Яссавий), Сўфи Оллоҳёрнинг икки асари, Вафойининг “Равнақул Исломи” китоблари ўқитилган. Болаларга икки-уч йилда бошланғич таълим бериш шу билан охирига етган.

Мактабларнинг кейинги босқичида талабалар мураккаброқ асарларни ўрганишга ўтишган. Уларга Қуръон илми, ҳадис, дин асослари, Исломи тарихи каби фанлардан сабоқ берилган. Шу билан бирга, улар Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил, Фузулий, Сўфи Оллоҳёр кабиларнинг асарлари билан ҳам яқиндан танишишган. Бундан ташқари, ҳоҳловчилар хаттотлик, тарих билан ҳам шуғулланишган. Мактабни битирувчилар араб, форс тилларини тушуна оладиган даражада билимга эга бўлган (Кириак Бендриков, юқоридаги асар, 36-48-бетлар).

Ўша пайтда мадрасалар хонликдаги давлат идоралари, бошқарув маҳкамалари, диний муассасалар учун турли ходимлар, мактаб-мадрасалар учун муаллим-мударрислар, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий тузуми ва мафкурага хизмат қилувчи мутахассислар тайёрлаб берган. Мадрасаларда таълим уч босқичда олиб борилган: аднода (қуйи босқич) дин асослари, шариат ҳақидаги бошланғич билим берилган, саводхонлик мактабга қараганда чуқурроқ ўргатилган. Авсатда (ўрта босқич) ва аълода (юқори босқич) талабаларга асосан тафсир, ҳадис, фикҳ илмлари чуқур ўргатилган, араб тили грамматикаси (сарф ва наҳв), ақоид, мантиқ, балоғат, табиий фанлардан сабоқ берилган. Масалан, мадрасаларда ўқитилган “Мантиқ Таҳзиб” китобида қадим юнон фалсафасига Ислонинг муносабати баён этилган бўлса, “Шамсия” китобида мантиқ асослари очиб берилган. В. Наливкин ёзишича, риёзиёт (математика) ва ҳандаса (геометрия) мадрасаларда асосий фанлардан саналган. Бундан ташқари, уларда ҳоҳловчиларга жуғрофия, метафизика, космография, фалсафа каби фанлардан ҳам дарс ўтилган. Талабалар физика, тиббиёт, кимё, тарих каби фанларни мустақил ўрганишган.

Очиқ кўриниб турибдики, мустамлакачилар халқнинг саводхонлик даражасини белгилашда минг йиллар мобайнида шаклланган ва исломий билимлар асосига қурилган таълим тизимини бутунлай инкор қилишган ва ўзлари очган рус-тузем мактабларида таҳсил олганларнигина саводли санашган. Ваҳоланки, энг қамайтириб келтирилган маълумотларда ҳам Туркистон аҳолисининг учдан икки қисми ўқиш-ёзишни биладиган даражада саводхон бўлгани қайд этилади. Демак, истилочиларнинг барча хужжатларида қайта-қайта таъкидланганидай, икки фоиз аҳоли рус имлосида ўқиш-ёзишни билган, десак мантиққа

тўғри бўлади. Буни тадқиқотчиларнинг ўзлари бундай шархлашади: “Волостда 32 та мактаб бўлишига қарамай, волост бошлиғи фақат ўқий олади (яъни, рус алифбосида), маъмуриятнинг бошқа аъзолари умуман саводсиз. Ер ўлчаши ишларида гувоҳлик учун волост аҳолиси ичидан ўн битта саводхон одам топилади” (М. Н. Вирский. “Справочная книжка Самаркандской области”, вип. 3., Самарканд, 1895 г.)

1869-1870 йиллари Россия халқ маорифи ноziри Д. Толстов раҳбарлигида рус бўлмаган халқлар учун бошланғич мактаблар тармоғини кенгайтириш режасида: “мамлакатимиз ҳудудида яшаётган барча ёт миллатларга таълим беришнинг пировард мақсади, шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан қўшилиб кетишини таъминлашдир”, дейилган. Бундан илҳомланган Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ҳарбий нозир Милютинга юборган лойиҳасида ана шу мақсадда диний таълимга асосланган мактаб-мадрасалар ўрнига рус-тузем мактаблари ташкил этиш, айниса, Туркистондаги уч миллионли аҳолининг учдан икки қисмини ташкил этувчи кўчманчиларни Исломи таъсиридан “қутқариш” учун уларни шу мактабларга кенг жалб қилиш таклифини киритади. Иш шунга бориб етдики, бу мактаблардан рус болаларига илоҳиёт дарслари бемалол ўқитилгани ҳолда Исломи таълимотларини ўргатиш мутлақо тақиқланди (К. Бендриков, юқоридаги асар, 64-бет).

Манзарани янада ойдинлаштириш учун русларнинг генерал губернатори иштирокида маҳаллий маъмурият ишлаб чиққан “Аҳолининг маънавий-диний ҳаётини зўр эътибор билан кузатиб боришни жорий этиш Дастури”дан бир парча келтириб ўтиш ўринлидир: “Маҳаллий кишиларни қозилар тайёрладиган мадрасаларда рус тилини ўқитишни жорий этиш тўғрисида таклиф киритишга ундаш лозим, бу ҳол мазкур ўқув юртлари эшикларини рус ўқитувчиларига “очиқ бериши” баробарида, “мусулмон олимлари, мутаассиблар ва Ислонинг ҳар қандай арконлари оқиб келадиган мадрасаларда нималар қилинаётганини доимий ва ишончли равишда” кузатиб боришга имкон яратади; маҳаллий аҳолининг “рус-тузем мактабларини ва шаҳар билим юртларини тамомлаб келган болаларига фаҳрий фуқаролар ёки кишлок-овул оксоқоллари лавозимларини эгаллаш; муайян хизматда синов муддатини ўтаганидан кейин волост мудирлари ва катта оксоқоллар лавозимларини эгаллаш ҳуқуқларини бериш” каби муҳим имтиёзлар йўлга қўйилиши зарур”.

Бу борадаги гапнинг лўндасини Туркистонда маориф ишларининг билимдони сифатида танилган Н. Остроумов айтиб қўяқолган: “Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори генерал-адъютант фон Кауфманнинг Туркистон ўлкасини қуриш кенг микёсли режасига маҳаллий аҳолига ўрисча маълумот бериш ташвиши ҳам кирган эди... Ўзига ишончи катта бўлган рус маъмури Туркистон ўлкасида ҳам рус мактаблари асосида руслаштириш сиёсатини қўлдан бермасликка тиришарди” (Н. Остроумов. “Сборник Кауфмана”, Москва, 1910 г. стр. 68).

Ана шундай олисни қўзлаб бошланган сиёсатнинг меваси ўларок “Туркистон халқи руслар келгунича ялпи саводсиз бўлган, ўша пайтдаги юзлаб мактаб ва мадрасалар аҳолига билим бериш уёқда турсин, аксинча, одамларни жаҳолат ботқоғига ботириб ташлаган” каби бемаъни ва ёлғон сафсаталар туғилди.

Аҳмад Турсин



ХИТОЙДА ИСЛОМ

Ислом дини Хитойда ўн учинчи асрдан бери даосизм, конфуцийчилик, буддизм каби эътиқодлар билан бир сафда яшаб келмокда. Шу давр ичида Исломнинг таъсири аста-секин, лекин тўхтовсиз ўсиб борди. Шунга қарамай, у бошқа динларни сиқиб чиқармади, балки улар билан бирга яшади. Ҳозирда Хитойда 18 миллион киши Ислом динига эътиқод қилади. Жами 30 минг масжидда 40 минг имом фаолият олиб боради.

Ислом Хитойга асосан икки йўналиш орқали, яъни Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон (ҳозирги Шинжонг-Уйғур автоном округи) орқали куруқликдан ҳамда Хитойнинг жанубидаги Индонезия, Малайзия, Бангладеш, Филиппин мамлакатлари орқали денгиз йўли билан тарқалган. Шу боис, Хитойда бу диннинг ҳамма оқимлари ва йўналишлари мавжуддир.

Ислом дини куруқлик йўли билан ўнинчи асрда Қорахонийлар давлати таркибига кирувчи Шарқий Туркистон орқали тарқалган. Турли сабаблар билан келган савдогарлар, даъватчилар ва ҳарбийлар орқали кириб келгани ҳақида араб, форс-тожик ҳамда туркий тиллардаги қўлёзма асарларда кўпгина маълумотлар учрайди. Жумладан, “Ажойибул-маҳлуқот ва ғаройибул-мавжудот” асарида қуйидаги маълумотлар бор: “Мадинада Имом Насриддин бошлиқ амиру умаролар маслаҳат қилиб, Қашқар вилоятини фатҳ этмакка қарор қилиб, Юсуф Қодирхон ғозийни қирқ минг аскар билан Қашқар заминига юборган. Юсуф Қодирхон ғозий Қашқарга бориб Қашқар ҳокимига шу мазмундаги бир номани киргизган: “Эй Қашқар халқи, мандурманки ҳазрати Юсуф Қодирхон ғозий, тўрт имомнинг руҳсатлари билан Мовароуннаҳрдин қирқ минг аскар билан Қашқар заминини фатҳ қилмокка келиб турибман. Иймон келтурсангиз кутулурсиз”. Бунингга Абдулла Қашқарий (исломни қабул қилганидан сўнг қўйилган исми бўлса керак): “Орангизда пайғамбар авлодидан бўлса, иймон келтирурмиз”, деб жавоб қайтарган. Бу воқеадан сўнг Юсуф Қодирхон ғозий, Имом Насриддин, Муҳиддин, Зоҳиддин, Қавмиддин бошлиқ юзларча беклар юз минг микдори аскар Қашқарга йўл олган. Булар Қашқарга боргандан кейин Қашқар халқи Абдулла ва Убайдулла Қашқарий бошлиқ ҳаммаси иймон келтириб, мусулмон бўлган. Ислом аскарлар дағ-дуғлиқ билан шаҳарга кирган.

Имом Насриддин Қашқарга Юсуф Қодирхон ғозийнинг хон қилиб қўйиб, ўзи Ёркент тарафга юрган. Ёркент халқи буни англаб, ҳаммаси мусулмон бўлган. Бундан яна илгарилар, Хитой тарафга юриш қилган. Йўлда тўққиз кент мусулмон бўлган”. Бу воқеа хижрийнинг 390 йили, милодийнинг 1000 йили юз берган эди. Аммо хитой олимлари: “Хитойга Ислом дини Тан сулоласи ҳукмронлиги даврида, куруқликдан ҳам, аниқроғи саккизинчи аср ўрталарида кириб келган”, деб ҳисоблашади.

Ислом динининг денгиз йўли орқали Хитойга тарқалиши дастлабки даврларга тааллуқли. Бу 651 йили

Арабистонда Ислом дини ўрнатилгач, Хитойнинг пойтахти Чанъанга (ҳозирги Сиан) халифа Усмон (р.а.) номидан расмий элчилар келиб, араб-хитой иқтисодий ва маданий алоқаларига асос солиниши билан боғлиқ эди. Шундан сўнг қирқ саккиз йил давомида Хитойга ўттиз етти марта араб элчилари келди, уларнинг таркибиде савдогарларининг вакиллари кўп эди. Хитой манбаларининг маълумот беришича, биринчи араб савдогари Хитойга 652 йили денгиз йўли билан келган.

Хитойга келган араб савдогарлари Жанубий Хитой ва порт шаҳарларидан Ганчжоу, Цюнчжоу, Янчжоу, Ханчжоу ва бошқаларда тўхташиб, савдо ишлари билан бирга, Ислом динини тарғиб қилдилар, оила қурдилар. Агар улар ватанларига қайтиб кетишса ҳам, мерос қолдирар эдилар. Аста-секин бу шаҳарларда мусулмонлар манзилгоҳлари пайдо бўлди. Кейинчалик бу манзилгоҳлар Хитой ҳукумати томонидан алоҳида маҳаллий маъмурий бирликлар сифатида расман тан олинди. Мусулмон мамлакатларидан келганлар бу манзилгоҳларда узоқ яшамас эдилар. Уларнинг кўпчилиги савдо-сотик ишларини тугатгач, ватанларига қайтиб кетар, баъзи бирлари Хитой аёллари билан никоҳланиб, Хитойда қолар эди.

Хитойда Ислом дини тарқалишининг натижаси сифатида янги этник гуруҳ (дунганлар) келиб чиқиши ҳақидаги масала муҳим ҳисобланади. Уларнинг келиб чиқиши тарихи юзасидан баҳслар мавжуддир. Хитой олимлари уларни қачонлардир Хитойга келиб муқим туриб қолган ва ҳозир мусулмонларнинг кўпчилигини ташкил этган араблар, форслар ва туркийлар авлодлари деб таъкидлашади. Бу этник гуруҳнинг шаклланиши Юан сулоласи ҳукмронлиги (1280-1367) даврига тўғри келади. Бу халқнинг ҳар хил номи – хуэйхуэй ҳамда дунган номли этник атамалар билан қўлланилади. Хуэйхуэй, яъни “қайтиб кетиш” маъносига эгич этник атама ҳисобланиб, Хитойга келган ва ўз ватанларига қайтиб кетган араблар, форслар ва туркий аҳолини хитойликлар дастлаб шундай аташган. Иккинчи “дунган” сўзи туркийча “турган” сўзидан келиб чиққан. Бу атамалар битта халқнинг турли тиллардаги турлича номланиши бўлса керак.

Дунганлар Хитойнинг барча ерларида яшашади. Улар хитойча гапирадилар, лекин тиллари ўз хусусиятларига эга. Улар ташқи кўринишдан хитой-ханлар билан ўхшаш бўлгани боис, улар келиб чиқишига кўра Ислом динини қабул қилган хитойликлар, деган фикрга борилади. Сўнгги даврларда генетик олимлар қисик кўзлилиар қони бошқа халқлар билан қўшилганда қисик кўзлилиарнинг ташқи белгилари кўпроқ сакланишини исботладилар. Демак, дунганлар юзининг ташқи кўриниши уларнинг аجدодлари кимлар экани ҳақида юқорида айтилган гумонларни тасдиқлашга асос бўла олмайди. Хитойда дунганлар иккита исмга эга, биттаси – хитойча, иккинчиси – мусулмонча.

Хитойда бутун мусулмон аҳолисининг кўпчилигини



суннийлар ташкил этади. Суннийлар бошларига оқ салла кийишса, шиалар қора бош кийимини киядилар. Хитойда, айниқса, Шинжонг–Уйғур туманида яшайдиган уйғурлар, ўзбеклар, қozoқлар, қирғизлар, татарлар, тожиклар – суннийлардир. Бу ўлкада дунганлар орасида иккала мазҳаб вакиллари бор.

Хитой ҳукмдорлари Исломни сиёсий маънода ҳам, иқтисодий муносабатларда ҳам ҳукмрон динга айлантиришдан манфаатдор эмас эдилар. Шу билан бирга, айрим четлатиш даврларига қарамай, Ислом мафкураси улар мафкурасига зид эмаслиги туфайли Исломнинг тарқалишига қаршилиқ қилишмади. Хитой ҳукмдорлари қулай ҳолларда Исломдан ҳатто ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар.

Бу анъана ҳозирги даврда ҳам давом этмокда. 1953 йили Хитой Ислом уюшмаси тузилиб, унинг раҳбарлигида бир қатор илмий ишлар эълон қилинди, сўнгра Пекинда Олий ислом диний мактаби ташкил этилди. 1954 йили ХХР Конституцияси виждон эркинлигини жорий этиб, Исломни буддавийлик, даосизм ва насронийлик билан тенглаштирди. Мусулмонлар вакиллари ҳатто давлатни бошқариш аппаратида ҳам жалб этилди. 1979 йили ХХРда яшаётган халқлар динларини ўрганиш юзасидан мувофиқлаштирувчи мажлис ўтказилди.

Бир йилдан сўнг эса, Хитой Ислом уюшмаси анжумани ўтказилди. Унга 86 ёшли Бурхон Шохидий фахрий раисликка сайланди. Конференцияда Хитой тарихида биринчи марта Пекинда Ислом диний маркази ҳамда Ислом институти тузиш, бу институтда фақат диний муаммоларни

ўрганишгина эмас, балки мусулмон руҳонийлар ҳам тайёрлашга қарор қилинди. 1981 йил октябрида Гансу вилоятининг маркази Ланьчжоу шаҳрида ХХРдаги мусулмон аҳолининг асосий оммаси тўпланган бешта вилоятнинг юқоридагидек конференцияси бўлиб ўтган. Унда 151 киши қатнашиб, тадқиқотнинг ҳар турли йўналишлари бўйича кўплаб маърузалар қилинди.

Ушбу мажлислар ва конференциялар ўтказилгандан сўнг ХХРда ислом дини бўйича илмий ишлар чоп этиш кескин кўпайди. Бир қатор тадқиқот кўринишидаги ишлар босиб чиқарилди. Масалан, 1982 йили уйғур тилида “Муҳаммад алайҳиссалом тарихи” китоби, Қуръони қарим маъноларининг хитой тилидаги нашри, 1986-1987 йиллари Қуръони қарим маъноларининг уйғурча таржимаси уч марта чоп этилган. Хитой мусулмонларига 1979 йили йигирма йиллик танаффусдан сўнг биринчи марта ҳаж сафарига боришга рухсат берилди. Саксонинчи йилларда қирқ минг хитойлик мусулмон ҳаж зиёратига борган.

Хитой раҳбарларининг Ислом динига нисбатан тутган йўллари уларнинг жамиятни динсизлаштиришни (секуляризация) зўравонлик усули билан амалга ошириш мумкин эмаслигини тушуниб етганлари билан изоҳланади. Ислом дини Хитойда кенг тарқалмокда.

Ш. ҚҲДДОШЕВ,
тарих фанлари номзоди (ЎЗР ФА ШИ)



«УЗОҚДАГИ ҚУЙРУҚДАН...»

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бозор иқтисодига ўтиш бошланди ва бу билан бирга “мардикор” деган сўз ҳам урфга кириб келди. Ишлаб турган кўплаб корхоналар ёпилиши, колхоз-совхозлар тугатилиб, фермер хўжаликлари пайдо бўлиши натижасида шаҳар-қишлоқларнинг минг-минглаб аҳолиси иш тополмай кўчада қолди. Ана шундан бошлаб мамлакатдаги ишга ярқоқ аҳолининг каттагина қисми иш излаб қўшни Қозоғистон, Россия, Жанубий Қурия, Туркия, араб мамлакатлари, ҳатто Полша, Норвегия, Италия каби Оврупа мамлакатларию олис Америкагача кета бошлади.

Хорижий тилдаги “трудовой мигрант” маъносини англатувчи “мардикорлик” сўзи қулоққа хийла оғир ботса-да, ушбу сўзни ишлатишга мажбурмиз. Чунки қонуний йўл билан расмий идоралар орқали “ишлаш”га кетганлар жуда озчилик, асосан яширин, ноқонуний йўллар билан мардикорлик қилаётганлар кўп. Ҳозир Ўзбекистондан қанча одам чет элларга ишлашга кетгани ҳақидаги маълумотлар бир-биридан кескин фарқ қилади. Республика айрим расмийлари Б. Матлубов Россияда 220 минг, Қозоғистонда эса 140 минг ватандошимиз меҳнат қилаётганини айтади. Бошқа расмий маълумотларга кўра, Жанубий Қурияда расман 13800 Ўзбекистон фуқароси ишляпти, бундан ташқари, тўққиз мингдан ортиқ норасмий мардикорларимиз ҳам бор эмиш.

Шу масалага бағишлаб Тошкентда ўтказилган бир конференцияда Ўзбекистоннинг 500-800 минг фуқароси чет элларда мардикорлик қилаётгани айтиб ўтилди. Лекин норасмий манбалар мигрантлар сони 5-8 миллион атрофида, деб ҳам ёзади. Буларнинг асосий қисми Россия вилоятларида бўлса, Қозоғистонда бир миллион, Жанубий Қурияда 20 минг мардикор бор экан. Нима бўлганда ҳам, мардикорлик нонини еб қўришга ишқибозларнинг кўплиги кундай равшан. Яқинда ўтказилган сўров натижаларига кўра, мамлакат аҳолисининг салкам ўттиз фоизи “чет элга бориб пул ишлаб келиш ниятида эканини” айтган.

Бунча одамнинг чет элдан пул топиб келишини айблаш ноўрин. Бозор иқтисодига ўтишнинг оғир йилларида мардикорлар топиб келган маблағ ҳаммага асқотди. Кўплар иқтисодий ҳаётини ва турмушини ўнглади, уй, машина, тўй қилиш, фарзандини ўқитиш каби муаммоларини ҳал этиб олди. Республика матбуотида келтирилган хабарга кўра, биргина 2006 йили чет элларда ишлаётган ўзбеклардан жами 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида пул жўнатмаси келган, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ВВП) саккиз фоизига тенг. “Чўнтакда олиб кирилган” пуллар бу ҳисобга кирмайди. Мутахассислар кейинги йилларда бу рақамнинг янада кўпайгани ҳақида ёзишяпти. Бу ёш республика иқтисоди учун катта ёрдам саналади.

Ўзбеклар чет элларда ҳам ўзларининг меҳнатсеварликлари, ҳалолликлари, ақл-заковатларининг ўткирлиги, ҳар қандай оғир ишдан бўйин товламасликларини намойиш қилишмоқда. Ватандошларимизнинг “3Д” таснифига қирувчи, яъни оғир, хавфли, ифлос ишларни ҳам индамай

бажараверишлари хорижий иш берувчиларга роса маъқул келиб қолгани ҳам аниқ. Ўзбеклар чет элларда ватанимизнинг муносиб сиймоси бўлиб танилишмоқда. Буни Россия сайтларидан бири ўтказган форумда Санёк исмли рус йигитининг сўзлари тўла исботлаб турибди: “Ўзбеклар билан бирга немис пухталиги ва аниқлиги, япон меҳнатсеварлиги, америка прагматизми (уддабурролиги) кириб келди. Ўзбеклар бизнинг келажагимиз. Афтидан Петр Биринчи Оврупага дарча очиб адашган, шекилли”.

Минглаб ватандошларимизнинг киндик қони тўкилган юртларини ташлаб, олис ва нотаниш ўлкаларга иш ишлаб боришларининг асл сабаблари, у ерларда ўзбеклар дуч келаётган муаммо ва қийинчиликлар, хўрлик ва камситишлар ҳақида ёзиш ниятимиз йўқ. Чунки бу ҳақда Ўзбекистон вақтли матбуотида ҳам, хориждаги оммавий ахборот воситаларида ҳам керагича кўп ва хўп ёзилди. Бизни “мардикорлик” масаласининг маънавий-ахлоқий томонлари кўпроқ қизиқтиради.

Бу борадаги энг оғир йўқотиш йигитларимизнинг имон-этикоди билан боғлиқ масалаларда содир бўляпти. Бошқа этикод, бошқа менталитет вакиллари орасига тушиб қолган мардикорларимиз тезда ўз руҳий асосларидан узилиб, ўзгаларнинг руҳий-маънавий таъсирига тушиб қолишяпти. Ҳали имон-этикоди унча шаклланиб улгурмаган мусулмон йигитлари иш жойларида изғиб юрган турли миссионерлар, ўзга дин ва мазҳаб вакиллари тузоғига осонгина илинишмоқда. Жанубий Қурияда ишлаб келган йигитлар ҳикоясига қараганда, айрим ватандошларимиз у ерда насронийликнинг протестантлик, Иёхова шохидлари каби мазҳабларига ўтишган. Бунда диний этикод эмас, кўпроқ берилаётган пул ва яратилган шароитлар асосий омил бўлгани аниқ. Мусулмон ватандошлари томонидан билдирилган эътирозларга улар: “Худо битта бўлганидан кейин насроний бўлдинг нимаю, мусулмон бўлдинг нима, фарқи йўқ-ку!” дея қўл силтаб қўяқолишган. Қозоғистон, Россияда ишлаётганлар орасидаги намозхонлар эса шароит йўқлигини, қаттиқ чарчаётганларини баҳона қилиб, ибодатларини тўхтатиб қўйишган. У ерларда ҳам ватандошларимиздан насронийликка, турли оқим ва мазҳабларга эргашиб кетаётганлар топилади.

Ватандош мардикорлар орасида оила ва никоҳ муносабатлари ҳам издан чиқмоқда. Улар оиладан уч-тўрт йилга, баъзан бундан ҳам кўпроқ муддатга узилишмоқда. Ҳар қандай шахватини тия олган одам ҳам бунча узок муҳлатга хотинсиз юра олмайди. Улар борган жойларида дарров бунинг “чораси”ни топишга интилишади. Агар бу нарсa қонуний никоҳ йўли билан ҳал қилинганда бу ҳақда ёзиб ҳам ўтирмас эдик. Аммо Россияда ишлаб келган йигитлар ҳикоясига қараганда, ўзбек йигитларининг аксарияти рус аёлларига ҳеч қандай никоҳсиз, гувоҳларсиз, маҳрини ҳам бермай “уйланиб” олишяптикан. Ҳатто хотинини эргаштириб ишга борган бир-икки мардикорларни “Тулага нега ўз самоваринг билан келдинг” дея “аския” ҳам қилишармиш. Энг ачинарлиси, мардикор йигитларнинг кўпи бу ишлари зинодан бошқа нарсa



о и л а г а

бутунлай “унутиб”

талайгина. “Тўй қиламиз, уй қураамиз, машина оламиз” деган баланд орзулар билан эрларининг иссиқ ўрнини совутиб, чет элга ишга жўнатган ўзбек аёллари беш-олти йиллардан буён оиласига оз-моз пул жўнатиш билангина ўзининг борлигини “эслатиб” турган эрлари бошқа аёллар билан тўшакни баҳам кўраётгани ҳақида ўйлашармикин? Уларнинг ўзлари не аҳволга тушишяпти? “Эрларимиз уйга қайтишни ўйламаяпти, бу ёқда болалар тарбиясиз бўлиб кетяпти, жўнатган пули ҳам керак эмас, тезроқ уйга қайтариб беринглар” дея масжидларга, маҳалла фуқаролар йиғинига, ҳуқуқ органларига шикоят қилиб юрган аёллар орзу-ҳавасларининг нечоғли қимматга тушиши ҳақида бошда нега ўйлашмадийкин? Ахир улар ҳам тирик жон, Аллоҳ яратган фитрати билан эрларини соғинади, болаларининг “дадамиз қачон келадилар” деган саволига жавоб тополмай қийналади. Водий қишлоқларидан бирида яшайдиган танишимизнинг: “Қишлоқда йигитлардан мену бир неча қартайган чолларгина қолганмиз, кўчадан ўтгани юрагим безиллайди, эрларини соғинган аёлларнинг кўзлари баданимни тешиб юборай дейди” қабилидаги гаплари ҳам фожиани бутун бўй-басти билан ошкор қилиб турибди.

эмаслигини тушунмас ҳам эмиш.

Я н а бир муаммо шуки, бундай ватандошлар о р а с и д а в а т а н г а , қ а й т и ш н и юборгани ҳам

Чет элларда ишлаётган йигитлар (аёллар ҳам) ўзлари иштадими-йўқми, ўша жойдаги халқларнинг менталитетини улар турмушидаги зарарли одат ва қусурларга таклид қилишади, эргашишади. Айниқса, Русияда мардикорлик қилаётганлар орасида арокхўрлик, бангиворлик, кимор ўйнаш, пичоқвозлик, фоҳишабозлик каби иллатлар тобора одат тусига кириб боряпти. Бу эса яхши ахлоқ ва тарбия кўриб ўсган мусулмон йигитларининг ватанга безори, пиёниста, бузуки ва расво бўлиб қайтишларини “қафолатлайди”. Биладиган кишиларнинг эътироф қилишича, Четда ишлаб қайтганлар ичида хотинини қизғанмаслик, ҳар гап орасида айниб сўқиниш, бировларнинг озгина ютуғини ҳам кўролмаслик, катталарга беҳурмат бўлиш каби халқимиз менталитетига ёт қусурлар “юккан” кишилар ҳам кўп топилади.

Оғир шароитларда ишлаб саломатлигини йўқотиш, ўпкасили, сўзак, захм, ҳатто СПИД каби оғир касалликларни орттириш каби йўқотишларга қараганда инсоннинг маънавий-руҳий қашшоқлашуви оғир оқибатларга олиб боришини ҳеч ким инкор қилолмайди. Жисмоний касални тузатиш мумкин, аммо руҳий-маънавий хасталарни, ахлоқан тубан кетганларни тузатиш учун узок муддат, кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади. Кўпроқ пул топиш, хотинларининг кун сайин ўсиб бораётган нафсий иштаҳаларини қондириш учун ватанидан узокларга ишлашга кетаётганлар (шу жумладан уларнинг аёллари ҳам) ана шу аччиқ ҳақиқат тўғрисида бир ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди. Халқимиз “Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши”, “Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу”, “Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши” каби ҳикматли мақолларни бежизга тўқимаган, ахир!

Аҳмад МУҲАММАД.

АСЛ МАҚСАД ИСТИЛО ЭДИ...

Чор Русиясининг Марказий Осиёни узоқ йиллар мустамлака кишанларида тутиб тургани тарихдан маълум. Уларнинг бу улкан ҳудудни ўз тасарруфларида тутиб туришларининг асл мақсади ўзлари даъво қилгандай Туркистон халқларига тараққиёт ва маданият олиб келиш эмас, мазлум халқни тинимсиз ишлатиш ҳисобига топилган бойликларни юртларига ташиб кетиш, кўп йиллар гуллаб-яшнаган ўлкани иложи борица талон-тароже қилиш эди. Бунга узоқдан дадил қидирмайлик-да, яхшииси мустамлакачиларнинг вакиллари ва кўзи очиқ мутафаккирларнинг сўзларига мурожаат қила қолайлик:

Бу халққа (ўрта осиеликлар — туркистонликларга) иложи борица, мумкин қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, хоҳиши қолмасин... Амир исёнкорларидан бирортаси ҳам асир олинмасин, қўлга тушганларнинг ҳаммаси, ҳаттоки ярадорлар ҳам отиб ташлансин!... Биз хон билан эмас, балки халқ билан тўқнашдик. Уни бостириш осон бўлмади, Руслар Ўрта Осиёда бундай (Қўқондагидек) узоқ ва қаттиқ қаршиликка дуч келмаган эдилар...

Улуғ рус подшоҳи бизга қўшни давлатларда хон ва халқ ўртасида низо чиқишига йўл қўймаслигига инончимиз қомил...
Фон Кауфман, Туркистон генерал-губернатори.

Ўлкани (1860-70-йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистонни) руслар эгаллаганидан кейин аҳолининг аҳоли кундан-кунга ёмонлашиб ва оғирлашиб борди. Аҳолидан биз кўп нарсани талаб этмоқдамиз. Улардан солиқ йиғишда эса биз тобора юксакликка кўтаришмоқдамиз, лекин халққа нима қилдик? Тошкентда ва турли комиссияларда айтилган сўзлардан бошқа халқ ҳўжалиги учун биз ҳеч нарса қилмадик.
Ч. Раевский, чор Россияси амалдори.

Туркистон ўлкаси Россияга фойда келтириши мумкин бўлибгина қолмай, балки шундай қилишга мажбурдир. Бу фойдалар Россиянинг ўлкани истило қилиш давридаги ҳамда қурилиш ишларига кетган харажатларни қоплаши керак.

Россия империяси ҳарбий вазирлигининг 1906 йил март ойида граф Вите жаноблари номига йўллаган мактубидан.



Приставларнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, улар, ҳатто масжидларга кўнғирок осий ҳаракатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва ҳукмдорликларини кўрсатмоқ учун намоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар...

Туркистонда ишлатилмоқда бўлган ерларнинг 55 фоизи рус келгиндиларининг қўлига ўтди. Шундай қилиб, чор ҳукумати Туркистонда ерли халқларни эзишдан бошқа ҳеч бир иш кўрсатмади. Ўзининг кетинда (орқада) қолганлиги ва фойдалана олмаганлиги сабабли, чор ҳукуматининг энг бой бўлган тоғ маъданларини ишлатишга ҳеч кимга ихтиёр бўлмади...
Турор Рисқулов, давлат ва жамоат арбоби.

Биз Туркистонга маданият олиб келдик, деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осиеликларга тинчлик ва осойишталик бердик, деб ўзимизни овутамиз. Аммо буларда (туркистонликларда) ҳам бир олий туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир. Мусулмонлар аҳолини тушунишимиз керак. Сиёсий ўлим (миллий давлатчилиқнинг йўқотилиши) оғир, миллий ўлим эса ундан ҳам оғирроқдир. Бизнинг ҳукмронлигимизда улар худди шундай аҳволга тушдилар. Бас, шундай экан, ҳукмронлигимизга қарши ғалаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўқ. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халқ оч ёки тўқлигидан қатъи назар, бир кунмас бир кун ўзини намоеъ этажак.
Н. Н. Веселовский, тарихчи.

Агар рус ҳукумати ўз даврида илм-фаннинг қанчадан-қанча яловбардорларини етказган шонли араб мадрасаларини мусулмон фуқаролари учун рус замонида қайта тиклаганларида эди, Ватан ва инсоният олдида буюк хизмат қилган бўларди...

Биз — туркий халқлар қадим-қадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган йирик бир тарихий этнографик бирлик ўлароқ яшаб келдик, худди шундай яшамоғимиз керакдир...

Руслаштириш авжиди, Идил-Волга бўйидаги татарлар орасидан бирор мансабдор у ёқда турсин, масжидга имом ҳам миссионер Н. Илминский рухсатисиз тайинланмайди. Туркистонда Остроумов тўра, Кавказнинг ҳам ўз тўралари (руслар)дан бошқасини миллат деб ҳисобламайдилар...

Исмоилбек Ғаспирали, буюк маърифатпарвар адиб.



КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...



Июлнинг охири ва август ойи бошларида чуқур иқтисодий бўҳрон ва рухий-маънавий инқироз исканжасида ҳолдан тойган Оврупани яна икки воқеа ларзага солди. Биринчиси кўҳна қитъанинг энг осойишта, тинч ва турмуши фаровон ўлкаси Норвегияда содир бўлди. Одатда қаерда портлаш ёки террорчилик ҳаракати содир этилса, дарров мусулмонларга тўнкашни одат қилиб олган оврупаликларнинг ҳафсаласини бироз пир қилиб Ислонгга мутлақо алоқаси бўлмаган ўта ўнг экстремист Андерс Брейвик “террорчилик қандоқ бўлишини” ҳамюртларига исботлаб қўйди. У 22 июл куни пойтахт Ослонинг ҳукумат идоралари жойлашган маҳалласида катта портлаш уюштирди. Бунинг оқибатида саккиз киши ҳалок бўлди. Андерсга бу ҳам камлик қилгандай, шундан сўнг у Утойя оролидаги ёшлар лагерида дам олаётган йигит-қизлардан нақ олтмиш тўққиз нафарини отиб ташлади. Бу мудҳиш жиноятдан “Ислонг ҳиди”ни топа олмай хуноби ошган ғарб матбуоти Андерс Брейвик тили билан дарров “ушбу оммавий қотиллик унга Норвегияни мусулмонлардан ҳалос қилиш ва бошқа динларга йўл очиб қўйган сиёсатдонларни жазолаш учун керак бўлганини” башорат қилиб қўяқолди.

Иккинчи воқеа эса Оврупанинг энг осойишта, бой ва “демократияси гуллаб-яшнаган” ўлкаси Англияда рўй берди. Август ойининг бошларида Лондон политсиёчилар қурол савдосига аралашган деб тахмин қилинган Марк Дагган деган кимсани отиб ўлдиришди. Бу эса 9 августдан бошлаб уч кеча-кундуз давомида олдинига пойтахт Лондонда, кейинчалик Бирмингем, Ливерпул, Бристол, Манчестер каби йирик шаҳарларда жуда катта тўс-тўпалон ва бебошлигу талончиликлар бошланиб кетишига туртки бўлди. Кўзи қонга тўлган норози ёшлар кўчаларда машиналарни ва ахлат яшиқларини ёкиб юборишди, дўкон ва ресторанларнинг ойналарини синдиришди, магазинлардаги қўлга илинадиган нарсаларни ўмариб кета бошлашди. Олдинига нималар бўлаётганига тушунолмайдиган гангиз қолган политсиё икки-уч кунда сўнг етиб келган ёрдамга таяниб аранг бу шаҳарларда тартиб ўрната олди. Минглаб кишилар хибсга олинди. Энг



қизиғи, булар орасида ҳам бирор мусулмон чикмади, бари ўзига тўқ инглиз оилаларининг фарзандларини чет эллардан келиб иш тополмай паймонаси тўлган ёшлар экан.

Бутун Оврупани ларзага солган бу икки воқеадан нима хулосага келиш мумкин? Оммавий ахборот воситалари одатда бундай ҳолларда дарров бутун айбни жангари мусулмон террорчиларига тўнкаб, сувдан қуруқ чиқиб қўяқолишар эди. Аммо бу гал иш бошқачароқ тус олди. Бу даҳшатли ҳодисалар фаровонлик ва ахлоқсизликка ғарқ бўлган Оврупанинг қаттиқ беморлигидан дарак бераётган илк огоҳлантиришлар, яъни “қасалнинг иситмаси” эди. Бу -- ҳамма нарсадан бойлик ва пулни устун қўрадиган, бойиш учун ҳар қандай қабиҳлик ва разилликдан қайтмайдиган бизнес дунёси мамлакатларни чуқур иқтисодий инқироз жари лабига келтириб қўйганидан далолат эди. Бу -- дин ва черковни давлатдан ажратиб, тўла ахлоқий бошбошдоқликка йўл очиб қўйган эътиқодсиз жамиятларнинг таназзулидан дарак эди. Бу -- ахлоқий тушунчаларни поймол этиб, оила, никоҳ, фарзанд тарбияси каби муҳим омилларни унутган кўҳна қитъанинг боши берк кўчага кириб қолганидан бир кўриниш эди.

Қолаверса, бу каби жиноятлар ва иқтисодий тангликларнинг асл сабаблари янаям олисроққа, ўтган асрда Оврупанинг жуда кўп Осиё, Африқо, Жанубий Америка мамлакатларини мустамлақа қилиб, бутун бойлигини ташиб чиқиб кетгани билан ҳам изоҳланади. Бор-будидан ажраган, тирикчилик воситаларидан маҳрум этилган қашшоқ мамлакатларнинг минглаб, миллионлаб аҳолиси Оврупага иш, нон ахтариб, тинимсиз оқиб келаётгани ҳам бу қитъа ҳали кўп тоvon тўлашини яққол англатиб турибди.

“Қасални яширсанг, иситмаси ошқор қилади”, дейди доно халқ. Оврупа сиёсатдонларини матбуот қорчалонлари қитъада ҳар куни, кун оша рўй бераётган бундай жиноят ва тартибсизликлар сабабини қанчалик Ислонгга тақашмасин, барибир иситмаси ошқор қилиб қўяверади, ҳақиқат қарор топаверади.

Шарҳловчи.



ЖАННАТ ВА ДЎЗАХ ЙЎЛИ

Айтайлик, якка ўзингиз сафарга чиқдингиз ва олдингизда икки йўл пайдо бўлди. Бири қийин: тоққа кўтарилган йўл бўлса, бошқаси осон: кенгликда ястанган йўлдир. Биринчисида осиб қўйилган кўрсаткичда: “Бу йўлнинг боши ўнқир-чўнқир, тошлоқ, тикан-бутали, юриш оғир, силжиш қийин бўлса-да катта шаҳарга олиб борадиган, кўзланган мақсадга етказадиган энг тўғри йўлдир”, деб ёзиб қўйилган. Иккинчиси эсаравон, мевали ва гуллаган дарахтлар соя ташлаб турган, четлари кўнгилни хушлайдиган, кўзни қувнатадиган қаҳвахона, ўйинхоналарга тўла. Лекин унинг лавҳасига: “Бу йўл хатарли ва таҳликали, охири муҳаққак ўлим ва аниқ ҳалокатдир”, деб ёзиб қўйилган.

Шунда сиз қайси йўлдан юрасиз?

Шубҳасиз, нафс қийинига эмас – осонига, аламлисига эмас – лаззатлисига мойил бўлади. Нафс эркинликни севади, чекловни ёқтирмайди. Бу – Аллоҳ нафс устида яратган фитратдир. Агар инсон нафс-ҳавосига бўйсунган ҳолда қолдирилса, унга бўйсунса, иккинчи йўлни танлайди. Лекин бу ҳолда ақл аралашиб, ҳозирда машаққатли, ноқулай кўринса-да, орқасида боқий роҳат ва ажиб саодат бўлган йўл билан ҳозир осон ва қулай кўринса-да, ортида бениҳоя алам ва қулфат бўлган йўл ўртасини мезонга қўяди ва биринчи йўлни ортқ билади.

Бу – жаннат йўли ва дўзах йўлининг мисоли.

Дўзах йўли роҳат, фароғатли. Унга нафс мойил, ҳавои нафс унга ундаган. Унда жамол гўзалликларига назар солиш, шахват ва унинг лаззатларига истижобат бор. Унда молни турли йўллар билан қўлга киритилади ва у марғуб, ҳам маҳбуб. Эркин ва озодлик унда, нафс эса ҳуррият ва эркинликни севади, чекловлардан қочади.

Жаннат йўлида машаққат ва қийинчиликлар бор. Чеклов ва чегаралар ҳам, нафсга қарши бориш ва ҳавои нафс синдириш ҳам унда. Лекин бу йўлдаги муваққат машаққатнинг оқибати охиратдаги доимий роҳатдир. Дўзах йўлидаги бир зумли лаззатнинг самараси эса, жаҳаннамдаги давомли аламдир. Масалан, имтиҳон тунларидаги талаба телевизор қаршисида мукка тушган оила аъзоларини сурур ва роҳатда қолдириб, китоб ва дафтарлари билан якка ўзи қолган пайтда қаттиқ оғринади, аламланади. Бу алам ортидан эса у муваффақият лаззатини тотади. Ёки хаста инсон иситма оғриғи устига бир неча кун тотли таомлар маҳрумлигига ҳам сабр қилади. Шу сабаб бундан кейин соғлиқ саодатини қўлга киритади.

Аллоҳ олдимизга шу икки йўлни қўйган. Ва бизга улар ўртасини ажарата билиш малакасини берган. Бу билан яхшиликни ёмонликдан фарқлаймиз. Хоҳ олим бўлсин, хоҳ жоҳил, хоҳ каттаю, хоҳ кичик, ҳамма агар яхши иш қилса кўнгли роҳатланади. Ёмон иш қилиб қўйса, безовталанади. Бу малака ҳатто ҳайвонда ҳам мавжуд. Масалан, мушукка бир бўлак гўшт отсангиз олдингизда уни шошмасдан, хотиржам ҳолда тановул қилади. Агар уни ўғирлаб кетса

сиздан узокда, шошилганича ейди. Таъқиб қилиб, олиб қўймаслигингиз учун икки кўзи сизда бўлади. Бунинг маъноси, биринчи лўқма ҳаққи эканини, иккинчисини эса ноҳақ қўлга киритганини у идрок қилди, дегани эмасми?

Бу ҳақ билан ботил ўртасини, ҳалол билан ҳаром ўртасини фарқлаш эмасми?

Ит агар яхши иш қилса, гўё ундан мукофот кутаётгандек эгасига ялтоқланади. Аммо бир гуноҳ иш қилиб қўйса, гўё узрини изҳор қилаётгандек ёки жазоланишини кутаётгандек думини қисиб узокқа бориб олади.

Аллоҳ таолонинг: “Ва Биз уни икки баландликка йўллаб қўйдик!” (Балад, 12) деганининг таъвили мана шудир.

Аллоҳ таоло жаннат йўли бошига унга қақирадиган, унга йўллайдиган даъватчилар, пайғамбарларни қўйган. Шунингдек, дўзах йўлига унга чорлайдиган, унга тарғиб этадиган қақирувчи шайтонларни қўйиб қўйган. Ва уламоларни пайғамбарлар меросхўри қилган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизлари Фотима отасидан мол ёки уй мерос олмаган. Уламолар ҳам ундан ушбу даъватни мерос қидиб олишган. Ким уни ўз ўрнида қойим қилган бўлса, ушбу мерос шарафига ҳақли бўлади.


Албатта пайғамбарлар ва уларнинг меросхўрлари бўлган солиҳ олимлар жаннат йўлига қақирувчи кишилардир. Шайтонлар ва одамларнинг бузғунчи фосидлари дўзах йўлига қақирувчи кимсалардир. Бизда, бизнинг ичимизда уларнинг ҳам, буларнинг ҳам ёрдамчилари бордир. Ичимизда пайғамбарларга тарафкашлар ва шайтонларга тарафкаш тоифа – ёмонликка буюрувчи нафс бор.

Бу даъват иши жуда қийин. Чунки башарият нафси ҳурриятга мойил қилиб яралган. Дин эса уни кўп нарсада чеклайди. Инсон лаззат ортидан бошвоғи қўйворилишга мойил халқ қилинган. Дин эса уни тутиб қолади. Ким уни фикс ва исёнга қақирса, табиатига мувофиқ келади. У билан бирга ариқда оққан сувдек раво юради.

Тўғри, нафс ҳурриятга табиатан мойил. Дин эса кишандир. Бу кишан жуда керакдир. Агар нафсни ўз холига қўйсак, ҳурриятга табиатан мойиллигидан келиб чиқиб фахш ишларни қилиб қўяди. Ва жамият улкан жиннихонага айланади. Чунки мутлақ ҳуррият жиннилар учундир. Жинни ҳаёлига келган ҳамма ишни қилади. Масалан, йўлда яланғоч юриб қолади. Автобусда ҳайдовчининг елкасига миниб олади. Кийимнинг чиройли кўриниб устингдан ечиб олади. Қизинг маҳлиё қилиб, уни ўзига беришингни талаб этади. Жиннилик мутлақ ҳурриятли ҳурликдир. Оқилни эса ақли кишанлаб олган бўлади.

Ақл нима?

У кишандир. У арабчадаги لاق – ықол деган сўздан олинган бўлиб, у туяни боғланадиган арконга айтилади. Ҳикмати шуки, булар бир-бирига яқин маънодаги сўздир. У ҳам кишан, ҳазора ҳам кишан. У ҳам хоҳлаганингни қилишга қўймайди. Балки у сенга одамларнинг ҳуқуқини



ва жамият одатларини риоя қилиш мажбуриятини юклайди. Адолат ҳам кишандир. Чунки у “бу ер кўшнинг хуррияти бошланган жой” дея сенинг хурриятингга чегара қўяди.

Кейин-чи, гуноҳлар лаззатлидир. Чунки у нафс табиатига мувофик келади. Сен ғийбатни эшитиш ва унда иштирок қилишда лаззат топасан. Чунки у сенга ёмонлигини зикр қилган кишидан яхши ва афзал эканингни ҳис қилдиради. Ўғирлик мазадир. Чунки унда молга машаққат ва қийинчиликсиз эга бўлиш бордир. Зино роҳатдир. Чунки унда нафсга ҳавосини бериш, шаҳвониятига етишиш мавжуддир. Имтиҳонда алдов лазиздир. Чунки у муваффақиятга осон эриштиради. Қандай бўлсин мажбуриятдан қочиш нафсга ёқимлидир. Чунки роҳат ва танбаллик ундадир.

Лекин инсон тафаккур қилган ва ақлини ишлатган пайтда бу муваққат хуррият унинг ортидан келадиган жаҳаннамнинг бениҳоя тутқунлигига, ҳаром қилинган бу лаззат эса сўнгидаги азобга тенг келмаслигини англайди.

Ким мана бунга рози бўлади: гуноҳлар олдида у ва мен келишамиз. Аҳдимизнинг муддати бир йил бўлади. Бу давр мобайнида керакли молни берамиз. Хоҳлаган қасрида, истаган мамлакатда яшаттирамиз. Хоҳлаган аёлига, иккита, учта ва тўрттагача уйлатамиз. Агар кечаси бирини қўйиб, эрталаб бошқасига уйланса ҳам унга хоҳлаган ишидан бирортасини ҳам ман қилмаймиз. Лекин йил тугаганида бўйнидан дорга осамиз ёки то ўлгунича қийнаймиз. Бу одам: “Ортида ўлим бор бундай лаззат қандай бахтсизлик, йўқ бўлсин, узоқ бўлсин”, демайди? Дорда ўзи бир соат осилиб тургани, унга бор лаззатидан асар ҳам қолмаганини тасаввур қилмайди? Ваҳоланки дор қийноғи бир неча дақиқа, охира азоби эса узоқ замон бўлса-чи?!

Умрида гуноҳ қилмаган, ана шу маъсиятдан лаззат топмаган одам йўқ. Камида тўшак хузурини бир марта бўлса ҳам бомдод намозига туришдан олдинга қўйганмиз. Бундан ўн йил аввал ҳис қилганимиз ушбу лаззатдан ҳозир қўлимизда нима қолган? Ҳеч нима!

Ичимизда савоб иш учун ўзини қийнамаган ва ана шу тоат учун алам тортмаган киши топилмайди. Озида Рамазон ойи очлик ва чанқоғини бошидан кечирган. Энди ҳозир ўн йил олдин Рамазон ойида татиган очлик оғриғидан нафсимизда қандай из қолди? Ҳеч қандай!

Гуноҳлар лаззати кетди ва иқоби қолди! Тоатлар алами кетди ва савоби қолди!

Ўлим онлари. Ушбу онларда бизга тотган ҳамма лаззатларимиздан ва кўтарган машаққатларимиздан нима қолди?

Албатта барча мўмин тавба қилишни, Аллоҳга қайтишни хоҳлайди. Лекин кечиктиради, кейинроқ дейди. Мен ҳам айтардим: “Агар ҳаж қилсам тавба қилиб қайтаман”. Ҳажга бордим, тавба қилмадим. Ва яна айтардим: “Агар қирққа кирсам тавба қиламан ва қайтаман”. Қирққа кирдим, тавба қилмадим. Олтмишдан ўтдим, тавба қилмадим. Қартайдим, тавба қилмадим. Бунинг маъноси, мен ҳаром амалларни қиялпман ва фаҳш ишларни амалга оширялпман, дегани эмас, Алҳамдулиллаҳ! Лекин инсон ўзига солиҳликни умид қилади, аммо уни кейинга суради. Гўё муҳлат кўп деб ўйлайди. Умрни узоқ деб ҳисоблайди. Ўлим эса тўсатдан эшик қоққанини кўради. Мен ўзим ўлимни икки марта кўрганман. Ўлганнинг шуурини ҳис қилганман. Тоатсиз ўтказган ҳар дақиқамга пушаймон бўлганман. Қасамки, ундан қутулганимда бир неча ой ўша ҳислар менда қолган. Солиҳ одамга айланиб қолганман. Сўнг ҳаёт тўлқинларига иккинчи марта шўнғидим. Унутдим... ўлимни унутдим.

Ҳаммамиз ўлимни унутамиз. Ўлганлар олдимиздан ҳар кун ўтганини кўрамиз. Лекин биз ҳам яқинда ўлишимизни тасаввур қилмаймиз. Жаноза намозида турамизу, дунё ҳақида ўйлаймиз. Ҳар биримиз ўйлаймизки, ўлим ҳамма одамларнинг пешонасига ёзилган. Илло бундан ўзи истисно. Ваҳоланки, инсон аниқ билади; дунё ундан бурилмоқда ва у ҳам дунёдан бурилмоқда.

Инсон қанча яшаса ҳам у барибир ўлувчидир. Олтмиш йил яшасин. Етмиш йил яшасин. Юз йил яшасин. Бу муҳлат тугамайди? Юз йил яшаб ўлган одамни билмайсизми? Нух (алайҳиссалом) қавмини тўққиз юз эллик йил давомида даъват қилди. Нух ҳозир қаерда? Дунё унга вафо қилди? Ўлимдан омонда қолди? Нима учун ўлим тўғрисида тафаккур қилмаймиз? Ундан қочиб қутулолмас эканмиз, нега унга тайёрланмаймиз?

Мубашиир АХМАД таржимаси.



АБУ ҲОМИД АЛ-ҒАЗЗОЛИЙ

АБУ ҲОМИД АЛ-ҒАЗЗОЛИЙ

Биринчиофатаҳамиятсизнарсаларҳақидагаплашишдир. Билгил, энг яхши ҳолат барча офатлар: ғийбат, чақимчилик, ёлғон, тортишув, мужодала ва бошқалардан тилингни сақлашинг ва мубоҳ бўлган, у тўғрида сенга ва бирор мусулмонга асло зарари йўқ нарсаларни гапиришингдир. Сен эса аҳамиятсиз, унга ҳожатинг бўлмаган сўзларни ҳам сўзлайсанки, бу билан вақтингни зоеъ кетказасан. Тилинг амали учун ҳисоб қилинасан. Яхши нарсани ундан ҳақирига алмаштирасан. Чунки сен гаплашган замонингни фикрга алмаштирганингда эди, фойдаси улкан бўлган фикр пайтида сенга Аллоҳнинг раҳмат насимлари эсган бўларди. Агар Аллоҳ субҳанаҳуга таҳлил айтсанг, зикр қилсанг, тасбиҳ десанг бу сенга яхши эди. Қанчадан-қанча калималар бор, улар сабабли жаннатда қасрлар бино қилинади, кодир бўлган киши хазиналардан бирига эга бўлади. Буларнинг ўрнига у фойда бермайдиган лой оладики, у аниқ зиён кўрувчидир. Бу Аллоҳ таолонинг зикрини тарк қилган, ўзига аҳамиятсиз, мубоҳ билан машғул бўлган кишининг мисолидир. Гарчи у гуноҳкор бўлмаса-да, зиён кўриб қолмоқда. Чунки улкан фойда бўлган Аллоҳ таолонинг зикрини қўлдан чиқармоқда. Зеро, мўминнинг жим туриши фикр, қараш ибрат ва сўзлаши зикр бўлади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: “Балки, вақт мўминнинг сармоясидир. Уни ўзига аҳамияти йўқ нарсаларга сарфлар экан, ундан охираг савоби ғамламас экан, у сармоясини зое килибди. Шу сабаб Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Ўзига аҳамиятсиз нарсаларни тарк қилиши киши Иломининг гўзаллигидандир”, деганлар. Бундан ҳам қаттиқроқ ривоят ворид бўлган: Анас (розияллоҳу анху) айтадилар: “Биздан бир йигит Уҳуд куни шаҳид бўлди. Уни очлик сабабли қорнига тош боғланган кўйи топдик. Онаси унинг юзидаги тупроқларни арта туриб: “Жаннатга муборак, эй ўғлим!”, деди. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Буни қаердан биласиз? Мумкин у ўзига аҳамиятсиз нарсаларни гапиргандир, зарари йўқ нарсаларга тўскинлик қилгандир”, дедилар.

Бошқа ҳадисда келишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Каъбни йўқотиб қўйдилар. У ҳақда сўраганларида касал эканини айтишди. Унинг уйига келдилар, кириб: “Эй Каъб, хабар бер!”, дедилар. Унинг онаси деди: “Жаннат муборак, эй Каъб”. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Аллоҳга қасам ичаётган бу ким?”, дедилар. Каъб жавоб қилди: “Бу менинг онам, ё Расулulloҳ”. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): Эй Умму Каъб, буни сенга нима билдирди? Каъб ўзига аҳамиятсиз бўлган нарсани айтган ёки уни беҳожат этмайдиган нарсага тўскинлик қилгандир”. Бунинг маъноси, жаннат ҳисоб қилинмайдиганларга ҳозирлангандир. Ким ўзига аҳамиятсиз нарсани гапирса унинг учун ҳисоб қилинади. Гарчи унинг каломи мубоҳда бўлса ҳам. Ҳисобда муноқаша бўлиб турганда жаннат унга ҳозирланмайди. Бу ҳам бир нав азобдир.

Муҳаммад ибн Каъбдан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтдилар: “Албатта бу эшикдан биринчи бўлиб жаннат аҳлидан бўлган киши

киради”. Шунда Абдуллоҳ ибн Салом (розияллоҳу анху) кирдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) саҳобаларидан бир неча киши ўринларидан туриб унга бу хабарни бердилар ва: “Ўзингиз у билан умидвор бўлган энг ишончли амалингиз хабарини беринг”, дейишди. У киши: “Мен бир заиф бандаман. Аллоҳдан умид этадиган энг ишончли амалим қалб саломатлиги ва ўзимга аҳамиятсиз нарсаларни тарк этишдир”, дедилар. Абу Зарр (розияллоҳу анху) айтадилар: “Менга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): дедилар: “Мен сенга бадан учун энгил, тарозида оғир бўлган бир амалини ўргатайми?”. Мен: “Ҳа, ё Расулulloҳ”, дедим. “У – сукут, чиройли хулқ ва сенга аҳамиятсиз нарсани тарк қилишдир”, дедилар.

Муҳоҳид айтадилар: “Ибн Аббоснинг (розияллоҳу анху) бундай деганларини эшитдим: “Беш нарса борки, уларнинг фойдаси менга бир пода минишга боп туядан маҳбуброқдир: 1. Сенга аҳамиятсиз нарса ҳақида гапирма. Чунки у ортиқчалиқдир, шундай қилсанг гуноҳдан омонда бўласан деёлмайман. Аҳамиятли нарса ҳақида ўрни бўлмагунча гапирма. Чунки ўзига аҳамиятли нарсалар ҳақида қанчалаб гапирувчи борки, уни ўрнида гапиролмай машаққатга тушиб қолади. 2. Ҳалим ва беақл билан баҳслашма. Ҳалим ёмон кўриб қолади, жоҳил эса озор беради. 3. Биродарингни агар олдинда бўлмаса сени эслашини яхши кўрадиган нарсаларинг билан ёдга ол. Сендан кечишини яхши кўрадиган нарсаларни кеч. 4. Биродарингга сенга қилишини ёқтирган муомала билан муомала қил. 5. Яхшилиги сабабли мукофотланишини, жинояти сабабли жазоланишини билган одамнинг амалидек амал қил”.

Луқмони Ҳакимдан: “Ҳикматингиз сири нимада?” деб сўралди. Жавоб бердилар: “Қифоя деб билганимдан сўрамайман ва менга аҳамиятсиз нарсага ўзимни қийнамайман”. Мавриқ Ажлий дедилар: “Бир иш бор, йигирма йилдан бери унинг талабидаман. Лекин кодир бўлолмайман. Аммо унинг талабини ташламайман”. Нима у, дейишди. Ўзимга аҳамияти йўқ нарсадан сукут қилмоқ, дея жавоб қилдилар. Умар (розияллоҳу анху) айтадилар: “Ўзингизга аҳамиятсиз нарсага йўлиқма. Душманингдан ажра. Қавмдан бўлган дўстингдан фақат аминига ишон. Фақат Аллоҳ таолодан қўрққангина амин бўлади. Фожир билан яқин бўлма, фужуридан таълим олиб қоласан. Уни сирингдан огоҳ этма. Ишингда Аллоҳ таолодан қўрқадиганлар билан маслаҳатлаш”.

Сенга аҳамиятсиз гаплардаги чегара – агар ундан сукут қилсанг гуноҳкор бўлмаган, ҳозир ҳам, келажакда ҳам зарар кўрмайдиган каломни гапиришингдир. Бунга мисол бир қавм билан ўтириб уларга сафаринг ҳақида гапириб берасан. Кўрган тоғларинг, дарёларинг ҳақида, бўлган воқеалар ҳақида сўзлаб берасан. Сенга маъқул бўлган таомлар, кийимлар хусусида, сени таажжубга солган ерлик шайхлар ва уларнинг кечмишлари тўғрисида ҳикоя қиласан. Агар булар ҳақида гапирмасанг гуноҳкор бўлмасдинг, зарар кўрмасдинг. Агар ҳикояларингга бирор нарса қўшмасдан, бўлганидан қамайтирмасдан, ўзингни оқламасдан, зўр ишларни кўрдим, деб фахрланмасдан, бирор шахсни ғийбат



Саҳл розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Ким менга икки оёғи орасидаги нарсанинг ва икки жағи орасидаги нарсанинг кафолатини берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман“, дедилар“.

Имом Бухорий ва Термизий ривояти



қилмасдан ва Аллоҳ таолонинг махлукидан бирор нарсани ёмонламасдан, қаттиқ ҳаракат қилган чоғингда ҳам, жуда бўлмаганда вақтни беҳуда кетказган бўласан. Аммо ҳозир зикр қилган офатлардан саломат бўлишинг қайда?!

Бировдан сенга аҳамияти бўлмаган нарсани сўраш ҳам шулар жумласидандир. Чунки сен бундай савол билан вақтингни зое қилдинг, соҳибингни ҳам унга жавоб бердириш билан беҳуда уринтирдинг. Бу ножоизлик ўша саволинг бирор офатга олиб бормайдиган нарсалар хусусида бўлса. Аммо кўп саволларда офатлар мавжуд. Бировдан ибодати ҳақида сўраб, масалан: “Сиз рўзадормисиз?”, дейсан. Агар у ҳа, деса ибодатини ошкор қилган бўлади. Бу ҳолда унинг ибодатига риё қиради. Агар қирмаган тақдирда ибодати сирлилик девонидан тушади. Махфий ибодат жажрий ибодатдан бир неча даража ортиқ туради. Агар сенга йўқ, деб жавоб қилса, ёлғон гапирган бўлади. Сукути билан эса сени писанд қилмаган бўлади ва бундан сен оғринасан. Агар жавоб муҳофазаси учун ҳаракат қилса, ўзини машаққатга қўяди, чарчатади. Демак сен савол билан уни ё риёга, ё ёлғонга, ё беписандликка ёки мудофаа ҳийласида машаққатга рўбарў қилган бўласан. Бошқа ибодатлари ҳақидаги саволинг ҳам худди шундай. Шунингдек, гуноҳлар ҳақида, яшириладиган ва ундан ҳаё қилинадиган ҳар қандай иш ҳақида, унда содир бўлган нарсалар хусусида: “Нима дейсиз? Сизда қандай?” деб сўрасанг, уни зикр қилганимиздек ноқулайликларга соласан.

Яна бир одамни йўлда кўрасан. “Қаердан келяпсиз?” дейсан. Шунда уни саволингга жавоб беришда сен озорланадиган бирор сабаб тўсиб турган бўлиши ва жавобдан уялган бўлиши мумкин. Вазиятдан чиқиб тўғриси айтмаса, ёлғонга тушиб қолади. Бунга эса сен сабабчи бўласан. Шунингдек, ўзингга кераги йўқ масала ҳақида сўрайсан. Сўралган киши билмайман дейишга ўзида куч тополмай, маълумоти бўлмаса ҳам сенга жавоб беришга мажбур бўлади.

Аҳамиятсиз нарсалар деганда мен бу жинсларни

назарда тутатганим йўқ. Булар унга гуноҳ ёки зарар аралашган ишлар. Аҳамиятсиз ишларга мана бу ривоят мисол бўлади. Луқмони Ҳаким Довуд (алайҳиссалом) ҳузурига қирганларида у зот совут тикаётган эдилар. Луқмони Ҳаким бундан олдин совут кўрмагандилар. Шу сабаб кўрганларидан таажжубга тушдилар. Бу ҳақда сўрашни ирода қилдилар, аммо хикматлари бундан тўсди. Ўзларини тийиб, сўрамадилар. Довуд (алайҳиссалом) ишларини тугатиб совутни кийдилар. Сўнг: “Ҳа, совут уруш учундир”, дедилар. Шунда Луқмон айтдилар: “Сукут хикматдир, лекин қилувчиси камдир”. Яъни, у сабаб илм сўралмасдан ҳам ҳосил бўлади. Айтилишича, Луқмон у ерга бир йил қатнаганлар. Сўрамасдан уни билишни истаганлар.

Бу ва шунга ўхшаган саволларда зарар, айбни очиш, риё ва ёлғонга аралашиб қолиш бўлмаса, ана шунда аҳамиятсиз нарса бўлади. Киши Исломининг гўзаллиги ана шуни тарқатиш билан бўлади. Аҳамиятсиз нарсаларнинг чегараси шудир.

Бунга боис бўладиган сабабига келсак – ўзининг ҳолати йўқ нарсаларни билишга қизиқиш ёки улфатчилик йўли билан кўнгилни хуш қилиш ёхуд вақтни фойдасиз ҳолатларнинг ҳикоялари билан ўтказишдир. Булар барчасининг давоси – ўлим олдида эканини, ҳар бир сўз хусусида у масъул эканини, нафаслари сармоёси эканини, тили хурул-бийнларни овлайдиган тузоқ эканини ва бунга бепарволик, уни зое қилиш очик зиён эканини билмоқдир. Бу – билишнинг биртомонлама давоси. Аммо амал жиҳатидан давоси – узлат ёки оғзига тош солиб ўзига аҳамияти айрим нарсаларда ҳам сукутга ўзини мажбурлашдир. Шунда тили аҳамиятсиз нарсаларда ҳам сукутга одатланади. Бу тўғрида тилни тийиш узлатсиз жуда ҳам қийин.

(“Ихёу улумид-дин”дан таржима).

“АХЛОҚИНГДАН ЎРГИЛДИМ-ЕЙ!”

Соли сўтакнинг дийдиёлари

Хай, сенга отчет берадиган бўлсам, бизнинг хотинбой ҳам бошқа ҳамжинсларидан “ортда қолмаслик” учун каминани пул топиб келиш учун чет элга жўнатиш пайига тушиб қолдилар. Хотинбойнинг келтирган далиллари анча ишончли эди: “Соқивой қарислар юртига бориб икки йилда ҳам “Нексия”ли бўлди, ҳам қариқиз бўлиб ўтирган икки қизини узатиб олди. Боқивой Россиядан шунақа кўп пул ишлаб кептики, хотини олти ойдан буён бозор-магазин кезиб ҳалиям тугатолмапти”. “Хай, чет элингниям кўрсак-кўрибмиз” дея йўлга тушдик. Хотиннинг маслаҳати билан қарислар ва ўрислар юртига бормаидиган бўлдим. Сабаби, у ерларни ўзбек босиб кетганмиш, кўп ҳақ тўланадиган ишлар аллақачон эгалланиб бўлинганмиш.

Хулласи, “Овораби қайдасан?” деб йўлга чиқдим. Учоқ кўниши билан мундоқ ташқарига чиқсам, ё Парвардигор, мунақанги ҳашаматли аирпортини кўрмаган эдим. Нақ бизнинг шахарчалик келаркан. Аммо унинг залига кириб ҳафсала пир бўлди: ҳаммаёғимни ағдар-тўнтар қилиб текширишни бошлаб юборишди. Формали-формасиз бир неча одам ўраблиб ўз тилида алламбалолар деб чуғурлайди, бирорта сўзига тушунсам ўлай. Фақат гап орасида кўкрагимга ниқталаб “террорист” деганидан тушундимки, улар мендан хавфсираяптикан. “Эй хумпарлар, ҳамма мусулмон сенга террорчи бўлаверармиди, улар орасида менга ўхшаган юввош-мўминлари жуда кўп”, дедим. Аммо улар гапимни эшитмайди, ўзларича нимадир деб нукул қовоғини уяди. Бир амаллаб текширувлардан ўтиб олдим, фақат носқовоғимни олиб қўйиб, ўрнига бир парча қоғоз тутқазишди: “текшириб кўриб сўнг беришармиш”. Эссизгина Қўқоннинг талқон носи мусодара бўлиб кетди-да, хумпарларнинг нос чекишини билганимда кўпроқ “запас” қилиб оларканман.

Мен келган мамлакат Братания дейиларкан. Ўзимча, уни ака-укалар ташкил қилган экан-да, деб ўйладим. Иш берадиган идорасига учраб, имо-ишора билан аҳволни тушунтирдим. “Пули кўпроқ ишдан бер” деб икки бармоғимни бир-бирига ишқаб кўрсатдим. Пойтахтдан анча узокдаги бир шахарчага кўча супурувчи қилиб олишди. Ишни бошлаб юбордим. Братанияликлар роса уйқучи бўларкан, ҳаммаёқни тозалаб, нонуштани паққос тушириб бўлсам ҳам кўча ҳувиллаб ётаверади. Куёш тиккага келганидан кейингина одам ғимирлаб қолади.

Иш бошлаганимга олти ойча бўлувди, полис идорасига чақириб ниманидир тушунтира бошлашди. Аграйиб турганимни кўриб, қайдандир ўрисчани биладиган бир тилмоч топиб келишди. Билсам, бу ўлкага келганлар мамлакатнинг урф-одатларию яшаш тарзига мослашиши керак эмиш, яъни келгиндилар тубжой аҳолининг ҳаётию ахлоқига уйғунлашуви керак эмиш.

Акс ҳолда уларни ҳайдаб чиқаришармиш. Шунинг учун ишдан бўш пайтларимда махсус очилган мактабига қатнаб, братанияликлар турмуши билан яқиндан ташишишим керак эмиш.

“Оббо, шуниси етмай турувди” дедиму, на илож, айтган мактабига қатнай бошладим. Қатнадиму бу ўлкага келганларимга минг пушаймонлар еб ташладим. Бу братанияликлар деганинг ғирт ахлоқсиз экан-ку! Эркаклар эркаклар билан, аёллар аёллар билан тўшакка ётишдан уялмасакан, ҳатто никоҳдан ўтиши мумкин эмиш. Ултонжон деган ҳезалак бир ашулачисининг “эрга текканини” фахрланиб гапириб беришди. Агар бунақанги иш бизнинг маҳаллада рўй бергудай бўлса, ҳамиятли йигитлар ўша занғар Ултонжонни ур-қалтак қилиб, эзгилаб ташлашарди. Бу ерда эса унга “сэр” (жаноб дегани бўлса керак-да) деб мурожаат қилишаркан.

Буниси ҳам майли-я, мамлакат қонунларига кўра хотинларга катта эркинлик беворишибди, агар уни ётоғингда бирор бегона эркак билан ётганини кўрсанг ҳам “ғиринг” дея олмас экансан, агар тергагудай бўлсанг, “хуқуқимни поймол қилди” деб, сени маҳкамага бериши мумкинмиш. Болаларнинг одоби ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, катталарни, ҳатто ота-оналарини ҳурмат қилиш уёқда турсин, сансираб гаплашаркан, дўк қиларкан, ҳатто уришгача ҳам борармиш.

Ўзи бу юрт ёкмай турувди, ана шу мактабдаги гаплар баҳона бўлдию, Братанияси билан хайр-маъзурни насия қилиб эрта тонгда чиқиб кетдим. Мени ҳамиша сергак полислару дайди итлар кузатиб қолишди. Етти соат пойизда юриб Фиръавнсия деган ўлкага кириб бордим. Бу ерда ҳам олдингидай қаттиқ текширувлардан, “террорист” деган тухматлардан эсон-омон ўтиб, бир ресторанда идиш ювишга ишга жойлашдим. Тушгача унча иш бўлмайди, аммо кейин шунақанги юмушим кўпайиб кетадики, ресторан бикинидаги каталак ётоғимга етиб олгунча жоним халқумимга келади.

Шунисига ҳам чидаб, дод солмай ишлаб юрувдим, бу ернинг полислари ҳам “турмуш тарзига уйғунлашув” дарсларига мажбурлаб қолишди. Фиръавнсияда олдинги юртдан ҳам одамларнинг ахлоқ-одоби бузилиб кетган экан. Ҳар қадамда фоҳиша, ҳар қадамда бир кечалик ишратга чорлайдиган ҳезалак “йигит”лар... Аёлларнинг кийими танқисроқ шекилли, ҳаммаси шир яланғоч, кўкракнинг учинигина ёпадиган бир парчагина сийнабанду белдан бир қаричча осилган “юпка”дан бошқа кийими йўқ. Қони қайноқ йигит эмасманми, бунақанги “томоша”ларни кўравериб, хотинбойни жа соғиниб кетдим. Бу жой менга тўғри келмас экан, деб бир йил тўлмасидан Фиръавнсиясини ташлаб чиқишга тўғри келди.



Бир амаллаб Утилия деган юртга бориб қолдим. Тиливизурда нукул бу ердаги ахлат жанжалини кўрсатаверарди, шунга Утилия деб ном қўйишган, шекилли. Ахир илгари бизда ҳам “Утилсирё” деган ташкилотлар бўларди-ку! Бу ердаги ишим ҳам ахлат тўплашдан нарига ўтмади. Биз фақирнинг қисматига кўча супуриш ёзилган экан-да, дея тақдирга кўниб юрувдим, аммо бу ердаги “меҳнат фаолиятим” узоққа бормади. Мен ишлаётган шаҳар жуда бесаранжом, ваҳмали экан: ҳали наshawандлар намойиш ўтказади, ҳали мафияси бир-бири билан отишма бошлайди. Бу ерда ҳам бузуқлар етарли, ҳар кўчада исловотхона. Баъзилар бундай жойларга боришга эриниб, ўтлоқлар устида, фонтанлар ёнида, гоҳо шундоққина метро вағонида кучоқлашиб-ўпишиб кетишади, сабрсизроқлари аёлини ечинтириб ҳам юборади. Утилияда бир эркакнинг хотини бўлатуриб ўз қизи билан кўп йилдан бери яширинча жинсий алоқада бўлгани, тўрт фарзанд кўрганини тиливизурда кўрсатганидан кейин бу наҳс босган юртдан ҳам кўнглим совуди. Бошқа бирор тозароқ ўлкани топгим келиб қолди.

Мен иш қидириб борган янги мамлакат Ўламания дейиларкан. Бошда одамлари хийла маъкул келиб турувди. Жа тартибли, ҳисоб-китобли, интизомли бўларкан. Аммо бу ердаги одамларни ахлоқ-одоби ҳам биздақа мусулмонларга унча маъкул эмасакан. Энг ёмони, ўламанияликлар нукул чўчка гўшти ер экан. Ҳалол гўшт қидириб, қўшни шаҳардаги масжид ёнидаги қассобхонадан аранг топдим. Ёшу қариси ҳар қадамдаги пивохоналарда эртадан-кечгача пиво симирар экан. Агар бир-икки йил яшаб турсам, мен ҳам маҳалладаги бурни қизил Шоқосим пиёнистага ўхшаб қоламан-ку!

Булар ҳам ҳолва чиқиб қолди. Бу юртдаги тақирбошлар мусулмонларни жа ёмон кўраркан: ҳар қадамда ўкраяди, мушт кўрсатади, тиш ғижирлатади. Қўйиб берса, ғажиб-бурдалаб ташласа. Биз юртимизга меҳмон бўлиб келган африқолик занжига ҳам етти букилиб салом берсак, ўзимиз имиллаган тирбанд трамвайда юриб, муздаккина шинам автобусларни уларга бериб қўйсагу ўламанияликлар нега мусофирларга бунақа тирғилаверади, тушунолмадим. Бунисига ҳам тишни-тишга қўйиб чидаб юрувдим, тиливизурда кўрсатган бир воқеа чет элдаги саргузаштларимга сўнгги нуқтани қўйди. Бир бадбахт йигит ўз сингисининг номусига тегиб қўйиб қамалган экан, энди қамоқдан қайтиб ака-сингил бирга яшаётган эмиш. Нобакорлар орада икки фарзандли ҳам бўлишибди.

Ана шундан кейин “вой-дод” девордим. Иш ахтариб қанақа жойларга келиб қолдим ўзи? Бирида у кўргилик, бунисида бу бузуқлик, манавинақа ҳайвон ҳам қилишга уяладиган расволиклар... Яна буларнинг “Юртимизга келганлар бизнинг ҳаёт тарзимизни ўрганишлари, бизга эргашишлари, қонунларимизни ва урф-одатларимизни ҳурмат қилишлари керак” деган дийдиёларига ўлайми? Агар яна икки-уч йил бу ўлкаларда қолиб кетсам, мусулмончилик ҳам эсдан чиқиб, юртимга ғирт безори, бузуки, худобехабар ва жинойтчи бўлиб қайтаман-ку! Ана шуларни ўйладиму бор топган пулимга учоққа патта олиб, ватанга қараб учдим. Учоққа чиқарканман: “Э, ахлоқ-одобингдан ҳам, турмуш тарзингдан ҳам ўргилдим-эй!” деворганимни ўзим ҳам билмай қолдим...



БАРЧА ЁМОНЛИКЛАР ОНАСИ

ҚУРЪОНИ КАРИМ ҲУКМИГА КЎРА

Ичкилик (хамр) нинг ман қилингани ҳақида Қуръони каримда бир неча оятлар келган. Ароқни ҳаром қилган икки оят ҳижрий 4 (милодий 626) йилда нозил бўлган, охириги оят эса ҳижрий 5 ёки 6 йилда келгани ривоят қилинади.

Исломда инсонни сархуш (маст) этадиган ичимликларни ичиш бирданига эмас, тадрижий (эволюсион) равишда ман қилинган. Ичкилик ҳақида Қуръони каримда даражама-даража келган тўрт оят бор. Илк оят Маккада нозил бўлди: «Сизлар маст қилувчи (ароқни) ҳам, гўзал ҳалол ризқ(нинг ўзини) ҳам хурмо ва узумларнинг меваларидан олурсизлар» (Наҳл, 67-оят).

Бу пайтда ҳали ароқ ман қилинмаган эди. Мусулмонлар жоҳилият давридан қолган одатларига кўра маст қилувчи ичкилик ичишар, кимор ўйнашар, лекин Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом буларга ҳеч нима демас эдилар. Чунки у зотга бу ҳақда ҳали кўрсатма келмаган эди. Бу аҳвол ҳижратдан сўнг Мадинада ҳам давом этди. Ўша вақтда ичкилик ичиш Мадинада жуда авж олган эди. Ҳазрати Умар, Муоз ибн Жабал ва бошқа саҳобийлар Пайғамбар алайҳиссаломга: «Эй Аллоҳнинг Расули, ичкилик ҳақида бизга бирор йўл кўрсатинг, хамр (шароб, ароқ) одамларнинг ақлини кетказаётир», деб мурожаат қилишди. Шу аснода ҳижрий 4 йилнинг шаввол ойида иккинчи оят (бу Мадинадаги илк оят эди) нозил бўлди: «Сиздан ароқ (ичкилик) ва кимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттароқдир» (Бақара, 219-оят).

Бу ароқни ҳаром қилган илк оят эди. Бу оятдан кейин «гуноҳи фойдасидан каттароқдир», деб ароқни ташлаганлар ҳам бўлди. Бироқ «фойдаси ҳам бор-ку», деб ичишда давом этганлар ҳам бўлди.

Шундан бироз вақт ўтгач обрўли саҳобийлардан Абдуллаҳ ибн Авф зиёфат берди. Меҳмонлар ейишди, ичишди ва маст бўлишди. Маст ҳолларида намоз ўқишга туришди. Шом намозини жамоат бўлиб ўқишди. Ривоятга кўра, имомлик қилаётган машҳур саҳобий Кофирун сурасини нотўғри ўқиганида учинчи оят нозил бўлди: «Эй мўминлар, токи гапираётган гапларингизни билишингиз учун маст ҳолингизда намозга яқин келманглар!» (Нисо, 43-оят).

Бу оят ичкилик (ароқ) ни тақиқлаган иккинчи оят эди. Оят фақат намоз вақтларида ичкиликни ман қилаётган эди. Саҳобийларнинг бир қисми бу оятдан кейин ичкилик ичишни ташлашди.

Орадан яна бирмунча вақт ўтди. Мадиналик ансорлардан Итбон ибн Молик зиёфат дастурхони хозирлади. Зиёфатда ароқ ҳам бор эди. У ердагилар яхшигина сархуш бўлишди. Меҳмонлар орасида Саъд исмли машҳур саҳобий бир қасида ўқиди. Қавмида, келиб чиқишидан мақтаниб гапирди. Гап орасида ансорларнинг (мадиналиклар) иззатиға тегадиган гап қилди. Шунда ансорлардан бири ғазаб билан ўрнидан турди ва Саъднинг устига бориб, унинг бошини ёрди. Саъд эса Пайғамбар алайҳиссаломга шикоят қилди. Ана шу

пайтда ичкилик (ароқ) ҳақидаги тўртинчи, сўнгги оят келди: «Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), кимор (ўйнаш), бутлар (га сиғиниш) ва чўплар (билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз!» (Моида, 90-оят).

Ичкилик, киморни ман қилган оятларнинг тўртинчиси бўлган бу оят энг сўнгги илоҳий амрдир. Расулуллоҳ алайҳиссалом шунда дарҳол хабарчиларни чақиртириб, хамрнинг қатъий суратда ҳаром бўлганини ҳаммага етказишни буюрдилар. Энди барча ичкиликхўрлар ичкиликни ташлашди. Уйларида, дўконларда, омборларда сақлаб қўйилган шаробларни ташқарига олиб чиқиб тўкиб ташлашди. Шароб Мадина кўчаларида худди сел каби оқди.

Ичкиликнинг бундай аста-секин, босқичма-босқич ман этилишининг илоҳий ҳикмати бор эди. Одамлар узоқ йиллар мобайнида ўрганиб қолган ёмон ҳулқ ва одатларидан бирданига, осонликча узила олишмайди (Бунга АҚШ, Россия ва бошқа ўлкаларда ароққа қарши ўтказилган кампанияларнинг нима билан туггани яхши мисол — таҳририят эскартиши). Шунинг учун Қуръони карим оятларида аввал ичкиликнинг ҳалол мевалардан олиниши маълум қилинган, уларни ичиш катта гуноҳ бўлиши баробарида фойдаси ҳам борлиги, аммо гуноҳи фойдасидан каттароқ экани зикр қилинди. Кейин эса ичкилик ичганда намозга яқинлашмаслик буюрилган бўлса, охирида хамр, кимор, бутларга сиғиниш ва фолбинлик шайтонга хос ҳаром иш экани қатъий уқтирилди ва мусулмонлар бу қабих ишлардан узоқда юришга амр қилинди. (Закои Кўнрапа. «Ҳазрати Пайғамбаримиз ва Ислом дини» китоби, 177-178-бетлар).


“ҲАДИСИ ШАРИФЛАР ҚОРАЛАЙДИ”

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилган: «Хамр ҳаром қилинган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айрим саҳобалари бошқаларининг олдига бориб: «Хамр ҳаром қилинди ва ширкка тенглаштирилди», дейишди» (Табароний ва Ҳоким ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ҳар бир маст қилувчи нарсаси хамрдир ва ҳар бир маст қилувчи нарсаси ҳаромдир. Ким бу дунёда хамр ичса ва уни ичишга одатланган ҳолда вафот этса, охират шаробини ичмайди» (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ривояти).

Бошқа ҳадисда бундай дейилган: «Уч тоифа одам жаннатга кирмайди: хамрга муккасидан кетган, қариндош-уруғ алоқаларини узган ва сеҳрни тасдиқлаган кимса» (Аҳмад, Табароний, Абу Яъло ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Уч тоифа одамнинг



намозини Аллоҳ таоло қабул қилмайди ва уларнинг биронта яхшилиги осмонга кўтарилмайди: қочоқ қўлинг, токи у ҳўжайинига қайтиб қўлини қўлига қўймагунича; эрини норози қилиб ғазаблантирға хотиннинг, то эри ундан рози бўлмагунича; мастнинг, токи у ўзига келмагунича» (Табароний, Ибн Ҳиббон, Ибн Ҳузайма, Байҳақийлар ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кўпи маст қилган нарсанинг ози ҳам ҳаромдир», дедилар» (Абу Довуд, Термизий ва Насай ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким зино қилса ёки хамр ичса, худди инсон бошидан қўлагини ечиб олганидек, Аллоҳ ундан иймонини ечиб олади» (Ҳоким ривояти).

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ хамрни ҳам, уни ичувчини ҳам, қуювчини ҳам, сотиб олувчини ҳам, сотувчини ҳам, тайёрлатувчини ҳам, олиб келувчини ҳам, олиб келтирувчини ҳам лаънатлади», дедилар (Абу Довуд ривояти). Ибн Можа ривоятида: «Пулини еювчини ҳам», дейилган.

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганларини эшитдим: «Олдимга Жаброил (алайҳиссалом) келиб: «Эй Муҳаммад, албатта Аллоҳ хамрни ҳам, уни сиқтирувчини ҳам, сиқувчини ҳам, ичувчини ҳам, олиб келувчини ҳам, олиб келтирувчини ҳам, сотувчини ҳам, сотиб олувчини ҳам, қуювчини ҳам, қуйдирувчини ҳам лаънатлади», деди» (Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Ҳокимлар ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр эса бундай деганлар: «Хамр ичувчилар касал бўлса, зиёрат қилманглар». Абдуллоҳ ибн Амр хамр ичишни улкан гуноҳлар (гуноҳи кабиралар) нинг энг каттаси, деганлар.

Воил ибн Ҳижр айтадилар: «Ториқ ибн Сувайд Жаъфий Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан хамр ҳақида сўраган эди, уни тақиқладилар. Шунда у: «Уни даво учун тайёрлайман, ахир», деган эди, «Хамр даво эмас, аксинча дарддир», дедилар» (Муслим, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Албатта менинг умматимдан баъзи одамлар хамрни ичурлар ва уни ўз номидан бошқа ном билан атарлар» (Абу Довуд, Насай, Ибн Ҳиббон ривояти).

Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Хамрдан четда бўлинглар! Чунки у ифлосликларнинг онасидир. Сизлардан олдин ўтганлардан бир киши бор эди. Бир бузук аёл унга илашиб қолди. У унинг олдига қиз хизматчисини юбориб, гувоҳликка ўтишини сўради. Эрак у (қиз) билан кетишди. У қайси эшикдан кирса, қиз эшикни маҳкам беркитиб бораверди. Охири бир гўзал аёл хузурига етиб борди. Унинг олдига бир ғулум (қул) ва идишда хамр (ичкилик) турарди. Аёл: «Аллоҳга қасамки, мен сени гувоҳликка чакирганим йўқ. Аммо сени менга яқинлик қилишинг (учун чакирган эдим) ёки манави идишдаги хамрдан бир қадах ичишинг ёки манави ғулумни ўлдиришинг учун чакирганман», деди. Эрак (енгилроқ деб ўйлаб): «менга манави хамрдан бир қадах ичир», деди. Аёл унга хамрдан ичирди. Эрак: «Яна беринглар», деди. У ўша ернинг ўзида у (аёл) га яқинлик ҳам қилди, ғулумни ҳам ўлдирди. Бас, хамрдан узоқ бўлинглар! Аллоҳга қасамки, албатта у абадул-абад иймон билан жам бўла олмас. Агар иккиси жамланиб қолса ҳам, бири иккинчисини чиқариб юборади» (Насай ривояти).

ФАРОСАТДА ГАП КЎП



ҲАЗРАТИ СУЛАЙМОННИНГ УЗУГИ

Ривоятларда келишича, Сулаймон алайҳиссаломнинг «Бу дунёдаги ҳамма нарса ўткинчи» деган сўзлар ўйиб ёзилган узуги бўлган экан. Сулаймон алайҳиссалом ҳаётининг қайгули онларида узукдаги ана шу ҳикмат мағзини чакиб, кўнгли таскин топаркан.

Бир куни унинг бошига шундай бахтсизлик тушибдики, ҳатто узукдаги сўзлар ҳам дардига малҳам бўлмай қолибди. Шунда Ҳазрати Сулаймон узукни ечиб, ғазаб билан отиб юборибди. Думалаб бораётган узукнинг ич томонида яна қандайдир битик борлигини туйқус кўриб қолибди. Ўрнидан туриб узукни қўлга олади ва ичидаги ёзувни ўқийди. Унда «Бу ҳам ўтиб кетади» деган битик бор экан. Сулаймон алайҳиссалом кулимсираб узукни яна бармоғига тақиб олди ва умри охиригача ечмади.

БАЛИҚЧИНИНГ ГАПИ

Бир вақтлар ночор бир балиқчи дарё бўйида ов қилар экан, жуда катта, кучли бир балиқ қармоғига илинди. Уни тортиб олишга балиқчининг кучи етмас эди. Охири балиқ қармоқни тортиб кетди. Буни кўрган бошқа балиқчилар:

– Эссиз, илинган шундоқ катта балиқни қўлдан чиқардинг-а, – дейишди. Шунда балиқчи дўстларига:

– Эй дўстларим-ей, у балиқ менинг ризқим бўлмаса, балиқнинг эса дунёдан ризқи узилмаган бўлса, мен нима қилай, унинг ҳали бу дунёда ейиш-ичишдан ризқи бор экан, – деди.

МИСРДАГИ ХАЗИНА

Бағдодда катта меросга эга бир одам бор эди. Қисқа вақт ичида бутун бойлигини елга совурди, камбағал бўлиб қолди. Зеро, у бойликни ҳеч меҳнат-машаққатсиз қўлга киритган эди. Танг ҳолатда қолгач, Аллоҳ таолога ёлбориб, дуо-илтижолар қилди. Ниҳоят бир окшом тушида: «Мисрда бор, у ерда катта хазинага эга бўласан», дейилди. Одам уйғонгач, вақтни ўтказмай Мисрда қараб йўлга тушди. Узок сафар чоғида очлик, ташналик, чарчок туфайли ниҳоятда қийналди. Бир неча кун Миср кўчаларида сарсон-паршон тентираб юрди. На бир бурда нон топди, на хазинанинг изини. Уялганидан кечалари тиланар эди. Ўша кунлари мамлакат бошшаҳри Қоҳирада ўғрилар кўпайганди. Миршаб уни тутиб олди, ўғри дея гумон қилиб роса қалтаклади. Шунда укувсиз тиланчи, бечора йўқсил: «Илтимос, урманглар, мен ўғри эмасман, бор ҳақиқатни айтаман» деб дод-фарёд солди.

– Қани айт-чи, ярим тунда нимани қидирыпсан? – деди миршаб. – балки мусофирдирсан, фақат ёлғон гапира кўрма, менга тўғриси айт.

Бояги мусофир қасам ичиб, бошидан ўтган воқеаларни айта бошлади:

– Мен на ўғри, на қисавурман, бир ғариб бағдодликман, – дея кўрган тушини ва хазина қидираётганини айтди. Миршаб унинг гапларига ишонди ва:

– Ҳой инсон, сен қандай ақлсиз одамсан, бир тушга ишониб, ҳаёлга берилиб, шу ерларга келдингми? Неча йилдики, мен Бағдодда фалон маҳалланинг фалон кўчасидаги уйнинг фалон жойида бир хазина яширилганини тушимда кўраман. Бунақа тушга ишониб бўларканми? Қани, тезда бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол-чи, акс ҳолда зиндонга ташлатаман, – деб бақирди.

Бу гапларни эшитган бояги бағдодликнинг қувончи ичига сиғмай кетди. Чунки миршаб айтган хазина кўмилган жой Бағдоддаги ўзининг уйи эди. У шоша-пиша шаҳрига йўл олди.

ТУЛКИНИНГ ФАРОСАТИ

Бир ўлкада овчилар шерларни қириб ташлаш учун уларни таъқиб қила бошлабди. Шерлар эса овчилар қўлига тушмаслик учун тумтарақай қочиб қолишибди. Шу аснода хайвонлар улар ортидан бир тулкининг ҳам қочиб кетаётганини кўришибди. Ундан:

– Ҳа, тулкивой йўл бўлсин, оёқни қўлга олиб қочаяпсан? – деб сўрашибди. Тулки ҳарсиллаб:

– Овчилар шерларга қарши уруш очишди, шунга қочаяпман, – дебди.

Хайвонлар ҳайрон бўлиб:

– Шерларга қирон келган бўлса, сенга нима, ахир сен тулқисан-ку, – дейишибди.

Тулки бошини сарак-сарак қилиб:

– Тулкиликка тулкиману аммо овчиларга бунга исботлагунча мўйнам тери бозорига чиқиб кетади-да! – дебди.



QUDDUS AMAKINING SABOQLARI

Bismillahir rohmahir rohiym Assalomu alaykum, aziz bolajonlarim, ko'zimning oqu qarolari! Sizlar televizor orqali «Qunduz amakining qissalari» degan ko'rsatuvni ko'p marta tomosha qilgansiz. Ammo ular shunchaki ertak, hayotda bo'lmagan voqealar, xolos. Bugun sizga havola etayotganimiz «Quddus amakining saboqlari» sizlarga judayam zarur gaplar. Undagi saboqlar hozir ham, kelajakda ham hayotingizda ko'p marta kerak bo'ladi.

Bu saboqlar sizlarga qanday yashash lozimligini o'rgatadi. Bilmagan, eshitmagan narsalaringiz bilan tanishtiradi. Yaxshilik nimaligini tushuntirib, yaxshilik qilishga chorlaydi. Yomonlik nimaligini bildirib, yomon ishlardan qaytaradi.

Shuning uchun ularni erinmay, qunt bilan, diqqatni bir joyga to'plab o'qib chiqing! Tushunmay qolgan joylaringizni kattalardan so'rab oling. O'qiganlaringizning ma'nosini anglab, eslab qolishga harakat qiling! O'zingiz to'la tanishib chiqqandan so'ng kitobchani aka-ukalaringizga, opa-singillaringizga, do'st va qarindoshlaringizga ham o'qigani berib turing! Shunday qilsangiz, savobga (Xudoning mukofotiga) sazovor bo'lasiz, xo'pmi?

QUDDUS AMAKINGIZ

BIRINCHI SABOQ POKLANISH VA ILK KALOMLAR

Assalomu alaykum, mening aziz nuridiydalarim! Qani, yaxshilab joylashib o'tiringchi! Bugun birinchi mashg'ulotimizni boshlaymiz. Ammo siz ana shu mashg'ulotga biroz tayyorlanib olishingiz kerak. Buning uchun eng avvalo tahorat qilib poklanib kelish zarur. Tahorat qilish unchalik qiyin ish emas. Qo'llaringizni uch marta yaxshilab yuvasiz, og'izga uch marta suv olib chayqab, tishlarni tozalaysiz, burunga uch bor suv yuborib poklaysiz. Keyin yuzingizni uch marta yaxshilab yuvasiz. So'ngra ikki qo'l bilaklarini tirsaklar bilan qo'shib yuvgach, boshning to'rtidan bir qismini ho'llab mash tortasiz. Shundan so'ng oyoqlarni to'pig'i bilan qo'shib, panjalar orasiga barmoq tiqib yaxshilab yuvasiz. Hammasini qilib bo'ldingizmi? Ana endi siz pokiza bo'ldingiz. Musulmon bolalar doimo ana shunday pok yurishlari zarur. Chunki hali uig'ayib namoz o'qiydigan, Qur'on o'rganadigan, boshqa ibodatlarini bajaradigan bo'lsangiz, albatta, tahorat kerak bo'ladi.

Qani endi «Bismillahir rohmahir rohiym» deb cho'kka tushib o'tiringchi! Nega bunday deyapsiz, uning ma'nosini bilasizlarmi? Buning mazmuni shunday: «Mehribon va rahmli Alloh nomi bilan boshlayman». Har bir musulmon farzandi nima ish qilsa ham, xoh dars o'qisin yo biror ishini boshlayotgan bo'lsin, uyga kirayotgan yoki dasturxonga o'tirib ovqatlanayotgan bo'lsin, xoh uyquga yotayotgan yoki kiyim

kiyayotgan bo'lsin, albatta, ana shu so'zlarni aytishi kerak. «Bismilloh» siz boshlangan hech bir ish Allohga xush kelmaydi. Musulmonchilikda hatto ana shu jumlani aytilmay so'yilgan hayvonning go'shtini yeb ham bo'lmaydi.

Bundan tashqari siz bilib olishingiz kerak bo'lgan yana bir kalima bor. U arabchada mana bunday o'qiladi: «A'uzu billahi minash shaytonir rojiym». Ma'nosi: «Quvilgan shaytonning yovuzligidan Allohning panohiga, himoyasiga qochaman» degani. Qur'ondan bir oyat o'qisangiz ham albatta, ana shuni aytish kerak. Hattoki hojatxonaga kirayotganda ham shunday deyilishi lozim.

Bugun sizga aytadigan gaplarim shular, xolos. Yanagi mashg'ulotgacha ana shu ikki kalimani yaxshilab yodlab oling, xo'pmi?

ФАРЗАНДИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ ҲАҚ СЎЗ ҚУТҚАРДИ

Сўфийликнинг машхур шайхларидан Абдулқодир Жийлоний (Аллоҳ унга раҳм қилсин) бундай ҳикоя қилади: "Болалигимдан мени тўғрисўз, ростгўй бўлишга ўргатишган эди. Бир куни Маккадан чиқиб, илм олиш мақсадида Бағдодга борадиган бўлдим. Онам йўл харажатлари учун қирқ диноҳ пулни чопоним қатига тикиб берар экан, мендан ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолатда ҳам ёлғон гапирмаслик ҳақида ваъдамни олди. Карвон билан Ҳамадон ўлкасига етганимизда қароқчилар тўдаси ҳужум қилиб, карвондагиларнинг бор-будини тортиб олди. Қароқчилардан бири: "Сенинг ниманг бор?" деб сўради. Мен: "Чопоним қатида қирқ диноҳ олтиним бор", деб рост гапирдим. У ҳазиллашяпти, деб ўйлаб нари кетди. Бошқа қароқчи яна шу саволни берди ва унга ҳам қирқта олтиним борлигини айтдим. У мени тўда бошлиғига олиб борди. Бошлиқ: "Ростини айтишга сени нима мажбур қилди?" деб сўради. Мен: "Онамга ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка ваъда берганим", дедим.

Шунда қароқчилар бошлиғини бирдан кўркув босди. У кичкирганича ушбу сўзлар билан кийимларини йирта бошлади: "Сен онангга берган ваъдангни бузишдан кўрқиб, олтинларингни кўрсатяпсан, мен эса Аллоҳга берган ваъдамни бузишдан кўрқмаяпман".

Кейин у одамларига барча тортиб олинган нарсаларни қайтариб беришни буюрди ва: "Мана сенинг ҳузурингда гуноҳларим учун Аллоҳга тавба қиляпман", деди. Бошқа қароқчилар ҳам унга: "Сен талончиликда бизнинг тўдабошимиз эдинг, энди тавба қилишда ҳам раҳнамойимиз бўл!" дейишди.

ҲАРОМ АМАЛЛАР

Шариатда жуда қаттиқ қайтарилган, уни қилиш мутлақо дуруст бўлмаган амаллар ҳаром амаллардир. Ҳаром амални қилган киши қаттиқ Гуноҳкор бўлади, икки дунё азобига учрайди. Гуноҳ бўлишидан қўрқиб, уни қилмаган киши савобга эга бўлади. Ҳаромнинг ҳаромлигини инкор этиб, уни ҳалол, деган киши кофир бўлади. Ҳаром амал икки хил бўлади: зулмий ҳаром ва зулмий бўлмаган ҳаром. Зулмий ҳаромнинг зарари ўздан ташқари бошқаларга ҳам етадиган бўлади. Масалан, бировни сабабсиз қийнаш, сўқиш, молини ўғирлаш ва алдаш кабилар. Зулмий бўлмаган ҳаромнинг зарари ўздан бошқага тегмайдиган бўлади. Масалан, ҳаром таомларни ейиш, ҳаром ичимликларни ичиш каби. Бу икки ҳаромнинг бир-биридан фарқи – зулмий ҳаромни қилган киши дар қанча Аллоҳ таолога тавба қилса ҳам, зарар етган киши рози бўлмагунча, Гуноҳи кечирилмайди, аммо зулмий бўлмаган ҳаром ишни қилган киши астойдил афсусланиб, ихлос билан Аллоҳ таолога тавба қилса, унинг Гуноҳи шу соатда кечириб юборилиш эҳтимоли бор. Масалан, бировнинг молини ўқирлаб ё талаб олган киши дар қанча афсусланиб, тавба қилса ҳам мол эгасининг розилигини олмагунча Аллоҳ таоло унинг Гуноҳини кечмайди. Чунки агар кечса, мол эгасига зулм қилган бўлади. Аммо турли ҳаром нарсаларни истеъмол қилган киши қачон бўлмасин ихлос билан Гуноҳидан тамоман тавба қилса, шу соатда Аллоҳ таоло унинг Гуноҳидан ўтиш эҳтимоли бордир. Нега деганда, бу масалада ҳеч кимга жабр ёки зулм бўлмаётир. Аллоҳ таоло маҳфизатли ва раҳмли Зотдир. Ихлос билан тавба қилган кишиларнинг тавбаларини қабул этишга ўзи ваъда қилган.

Мўмин-мусулмон бўлган кишиларга зулмий ҳаром саналмиш қуйидаги машҳур амалларни асло қилманг:

1. Сизни ўлдиришга қасд қилмаган кишини ўлдирманг.
2. Бировнинг ҳеч бир аъзосини кесиб олманг ёки уриб майиб қилманг.
3. Ўеч бир жониворни оловга ташлаб куйдирманг.
4. Фойдасиз бўлган, аммо зарари тегмайдиган ҳайвонларни ўлдирманг.
5. Ҳайвонларнинг юзига урманг.
6. Инсон ва ҳайвонларга ҳаргиз зулм қилманг.
7. Бировнинг молига кўз олайтирманг ва ўғирламанг.
8. Ҳеч кимнинг молини талаб олманг (талончилик қилманг).
9. Бировнинг нарсасини узрсиз қўлга олманг.
10. Савдо-сотикда бировнинг ҳаққини ўз молингизга аралаштирманг.
11. Нуқсонли ва айбли молни алдаб, яхши мол баҳосида сотманг.
12. Олган қарзларингизни тўланг.
13. Омонат олган нарсангизни ўзлаштириб олманг.
14. Ҳомилангизни дори ичиб ўлдирманг ва туширманг.
15. Етим ҳақиға хиёнат қилманг.
16. Хизматингизни бажарган кишини тезда рози қилиб, ҳақини бериб юборинг.
17. Бировдан сувни қизғанманг.
18. Ёлғон сўзлаб ҳеч кимга зарар келтирманг.
19. Яхши нарса олиб, ўрнига ёмон нарса берманг.
20. Бировнинг айбини изламанг.
21. Бировнинг айбини ражв қилиб ёзманг.
22. Бировнинг айбини юзига солманг.
23. Ғийбат қилманг.
24. Бировнинг устидан кулманг.
25. Бировга тухмат ва бўҳтон қилманг.
26. Ўлган кишиларнинг айбларини айтманг.
27. Бировларнинг сўзлашини ё қиёфасини тақлид қилиб, масҳара қилманг.
28. Ўликнинг баданини кесманг ва суякларини синдирманг.
29. Мўмин кишини кофир деб сўкманг.
30. Бировни ота-онаси ёки зоти учун камситманг.
31. Зино қилмаган кишини зинокор деб сўкманг.
32. Туғилган болага шубҳа қилиб, мenden эмас, деманг.
33. Айбсиз кишиларни мансабдорларга чакманг.
34. Эр-хотинларнинг ўртасида сўз ташиманг, ўрталарини бузманг.
35. Бировнинг гапини бировга ўша одамнинг рухсатисиз ташиб чақимчилик қилманг.
36. Икки душман томон ўртасида юриб, иккиюзламачилик (мунофиқлик) қилманг.
37. Икки дўст орасини бузадиган ҳаракатлар қилманг.
38. Ҳайвон ва паррандаларни уриштирманг ва сузиштирманг.
39. Одамларга лақаб тўқиманг ва лақаблари билан чақирманг.



40. Бировларнинг гапларига яширинча кулок тутманг.
41. Бировларнинг гапини бўлиб, ўртадан чиқманг.
42. Фойдасиз сўзларда енгилмаслик учунгина ўжарлик билан мунозара қилманг.
43. Бировнинг ҳеч кимга зарари тегмайдиган яширин сирини халққа фош этманг.
44. Бор молингизни васият қилаётганингизда ҳийла ишлатиб, уни кам қилиб кўрсатманг.
45. Садақа сўраб келган гадони жеркиб жўнатманг.
46. Бировга ҳазиллашиб ҳам тиг ўқталманг.
47. Фарзандларингизни, хотинингизни ва хизматчиларингизни кичкина айб учун қаттиқ сўкманг.
48. Фарзандларингизга, хотинингизга ва хизматчиларингизга уларнинг кучлари етмайдиган ишларни буюрманг.
49. Эмизиш муддати тугамай туриб, чақалокни кўкракдан ажратиб қийнаманг.
50. Хизматчиларингизни ва қўл остингиздаги кишиларни қийнаманг.
51. Зарар етказиб, қўшниларингизга озор берманг.
52. Салом берган ёки сизга мурожат қилган кишини жавобсиз қолдирманг.
53. Қўлингиздан келмаган ишни қилишга ваъда берманг.
54. Мўмин кишидан зинҳор ёмон гумон қилманг.
55. Бировнинг уйига (деразасидан, эшик тарқишидан, ҳатто очик эшикдан) рухсатсиз қараманг (мўраламанг).
56. Бирон аёлнинг аъзоларига сурбетларча қўл текизманг.
57. Бировнинг уйига рухсатсиз девор ошиб тушманг.
58. Бировнинг хатини рухсатсиз ўқиманг.
59. Гувоҳлигингиз сўралганида, кўрган-билганингизни яширманг.
60. Кўрмаган ва билмаган ишингизга гувоҳлик берманг.
61. Ноҳақ бўлатуриб маҳкамаларга бориб, даъвогар бўлманг.
62. Золимлар зулмига ёрдам қилманг.
63. Шариатга хилоф ҳукм айтманг.
64. Бирон нарсани баҳолашда бировга зарар келтирадиган нархни айтманг.
65. Фитна-фасод билан шуғулланманг.
66. Озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархда олиб, қиммат нархда сотманг.
67. Молингизни тегишли баҳосидан икки баробар қимматига сотманг.
68. Сотаётган молингизнинг айбларини айтмай, алдаб сотманг.
69. Рассулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва бошқа пайғамбарлар шаънларига лойиқ бўлмаган сўзларни айтманг.
70. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) номларидан сохта ҳадис тўқиманг.
71. Ота-онангизни мутлақо ранжитманг.
72. Устозларингизни хўрламанг, ранжитманг.
73. Фарзандларингизга ва шогирдларингизга жабр-зулм қилманг.
74. Хотинингизни ранжитманг.
75. Қариндошларингиздан ажралишиб кетманг.
76. Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари ҳақида ёмон сўз айтманг.
77. Олимларни сўкманг ва хўрламанг.
78. Бировни хижолат қилиб, уялтирманг.
79. Бировни беҳуда кўрқитманг.
80. Бировни алдаб, йўлдан оздирманг.
81. Алдаш нияти билан бировга хато маслаҳат берманг.
82. Йўлни қазиб ёки сув бостириб, йўловчиларга азият етказманг.
83. Фақир кишиларни фақирликлари учун хўрламанг.
84. Ҳеч бир кишини алдаб, ичидаги сирини билиб олишга ҳаракат қилманг.
85. Ҳеч кимни унда йўқ яхши сифатлар билан мактаб, ёлғондан дўст кўрсатиб, тилёғламалик ва хушомад қилманг.
86. Қизни ўзи истамаган кишига зўрлаб эрга берманг.
87. Хотинингизни ташлаб, тўрт ойликдан ошиқ сафарга кетманг.
88. Эрингизнинг уйдан сабабсиз кетиб қолманг.
89. Иффатли хотинингизни зинокор деб ҳақоратламанг.
90. Бировни алдаб, текинга иш қилдирманг.
91. Ваъдага хилоф иш қилманг.
92. Ҳоким ва мансабдор бўлсангиз, қўл остингиздаги кишиларга зулм қилманг.
93. Одил подшоҳнинг ҳақ ҳукмларига қарши чиқиб, итоатсизлик қилманг.
94. Пора олманг ва пора ҳам берманг.
95. Сеҳр-жоду ишлари билан шуғулланманг.
96. Фолбинлик қилманг.
97. Судхўрлик қилманг.
98. Қимор ўйнаманг.
99. Гуноҳга кизиқтирадиган шеърлар ёзманг.
100. Гуноҳга кизиқтирадиган гапларни айтманг.
101. Жинсий эҳтиёжингизни шариатда буюрилмаган жой билан қондирманг.
102. Аёллар, эр кишилар бор жойда ярим яланғоч юрманг, номаҳрамлар ҳирсини кўзгатувчи ишлар қилманг.

Сайфуллоҳ АШУРОВ тайёрлади.

“Ҳилол“га мактублар



Муаллиф: yusuf.uz , 00:01, 14.08.2011 йил

- “Mashaalloh! Ommobob jurnal bo’libdi. Uni kompyuterimizga ko’chirib olsak bo’ladimi?”.

Муаллиф: Inomjon , 16:46, 14.08.2011 йил

- “Assalomu alaykum, muqaddas Ramazon oyiga haqiqiy sovga bulibdi. Iloyim Alloh taolo hurmatli Shayx janoblarini umrlarini uzoq va tan jonlarini sog’ qilsin, hamda islom.uz ijodkorlariga Alloh taolodan doimo hifzu-himoyasida saqlab yurishini so’rab qolman”.

Муаллиф: Абдулазиз , 18:31, 12.09.2011 йил

- “Alloh subhanallohu va taologa hamdlar bo’lsin. Sizlardan Alloh rozi bo’lsin. HILOL oynomasini MUSHTUMZO’R deb nomlangan maqola juda zo’r chiqibdi!!!”

Муаллиф: Абдулазиз , 18:42, 12.09.2011 йил

- “ALLOH rozi bo’lsin juda yahshi chiqibdi”.

Муаллиф: Ботирхожа , 12:03, 14.09.2011 йил

- “Ассалому алайкум сайт ходимлари Аллох бошлаган ишингизни хайрли килсин. Ҳурматли устозимизни ҳам умрлари узок тану-жонлари соғ бўлсин. Жуда ажойиб журнал бўлибди. Дастлабки сони даражасини ҳеч қачон йўқотмасин. Аллох барчамизни наф олишимизни насиб этсин. Сиёсий мавзулардаги мақолалар ҳам кўпроқ чоп этилсин”.

Муаллиф: Талаба , 00:14, 17.09.2011 йил

- “Аллох таолога ҳамду санолар пайгамбаримиз МУҲАММАД соллоллоху алайҳи васалламга саловати шарифлар булсин. Ушбу ойномани ташкиллаштирганлар ва хизмат килаётганлардан Аллох рози булсин! Давомини интизорлик билан кутиб қоламиз. ва албатта дуода бўламиз!”

Муаллиф: Хасан , 05:01, 23.09.2011 йил

- “Буюк Роббимизни узи куллаб қувватласин Сиз Шайх Ҳазратларини ва барчамизни ҳам!”

ДОНИШМАНДЛАР ҲИКМАТИ



Улуғлик сирка билан қотган нон еб, жузли
либос кийишда эмас, балки Аллоҳ ҳукмига
рози бўлишдадир.

Абдулазиз ибн Абу Равод.

Энг яхши озуқа тақводир, Энг ёмон кўрлик
қалб кўрлигидир. Хатоларнинг каттаси
ёлғондир. Касбларнинг ёмони судхўрликдир.
Емишнинг энг ёмони етим молидир. Ким афв
қилса, Аллоҳ уни афв қилади. Ким кечириб
юборса, Аллоҳ уни кечиради.

Абдуллоҳ ибн Масъуд.

Умаронинг фасоди зулм, уламонинг фасоди
тамаъгирлик, фуқароники риё биландир.

Абу Бакр Варроқ Термизий.

Инсоннинг энг катта камчилиги ўзининг
эмас, ўзганинг камчилигини санашни афзал
билишидир.

Жон Милтон.

Биз бўш вақтни қўлга киритиш учун бўш
вақтдан маҳрум бўламиз, тинч яшаш учун
эса урушамиз.

Арасту.

Адашиш ҳар бир инсонга хос сифат. Аммо
адашганларнинг қайсарлик билан ўз йўлларида
давом этишлари гирт ақлсизликдир.

Ситсерон Марк Туллий.

Ориф агар сўзласа, ҳалок бўлади, ошиқ
сукут қилса, ҳалок бўлади.

Шайх Шиблий.

Тасодиф – бўлмаган нарса. Дунёдаги барча
нарсалар ё жазо, ё иноят, ё мукофот, ё
синовдир.

Жон Милтон.

Мени қийнаётган нарса очларнинг очлиги
эмас, тўқларнинг тўқлигидир.

Лев Толстой.

Айрим ҳолларда эркинлик деб аталган
нарса бошқа пайтларда интизомсизлик
дейилади.

Квителиан.

Ҳикматни кўзи ожизлардан ўрган, чунки
улар қадам қўядиган ерлари хавфсиз эканини
сезмагунларича юришмайди.

Луқмони Ҳаким.

Жоним оғримасин десангиз, жонингизни
койитинг.

Жон Милтон.

Шоҳларга ё умуман яқинлашмаслик керак
ёки фақат уларга ёқадиган сўзларни айтиш
керак.

Эзон.

Ҳар бир инсон ниманидир тўғри деб
ҳисоблайди. Бу ҳолат донога ҳам, аҳмоққа
ҳам бирдай тегишли. Бироқ улар тўғри деб
топган нарсалар сира бир-бирига ўхшамайди.
Доно билан аҳмоқ ўртасидаги фарқ ана
шундадир.

Сюн-Сзи.

Дунёни йўқотиш қаттиқдир, лекин
жаннатни йўқотиш ундан-да қаттиқ.
Охиратнинг маҳри дунёни тарк этишдир.

Яҳё ибн Муоз.



بسم الله الرحمن الرحيم

*“Yurtimiz tinch, osmonimiz
musaffo bo’lsin!!!”*